2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 77 (77), 2020 йил 7 май, пайшанба

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**6 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Мулоқотда стратегик шериклик тамойилларига асосланган кўп қиррали Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларининг жорий ҳолати ва уларни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Президентлар ўзбек ва туркман халқларининг тақдирида умумий жиҳатлар кўплиги, уларни қадимий тарих, анъана ва урф-одатлар боғлаб туришини алоҳида қайд этдилар. Халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарлик ришталари, яхши қўшничилик муносабатлари бугунги кунда ўз тараққиётининг янги, тарихий босқичига кўтарилди.

Давлат раҳбарлари савдо, энергетика, транспорт ва транзит, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани ва идоралараро алоқалар самарали йўлга қўйилганини мамнуният билан қайд этдилар.

Ҳамкорликка оид устувор лойиҳаларни, жумладан, икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия фаолияти доирасида илгари суриш мақсадида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Мулоқотда, шунингдек, мамлакатимизда Сардоба сув омборидаги фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтилди.

Коронавирус инфекциясининг тарқалиши билан боғлиқ эпидемиологик вазият хусусида ҳам фикр алмашилди.

Ушбу хавфли касалликнинг олдини олиш, шунингдек, бугунги мураккаб даврда миллий иқтисодиёт ва аҳолини қўллаб-қувватлаш борасида биродар мамлакатларимизда кўрилаётган чоралар тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Президентлар тегишли вазирлик ва идораларга вирусга қарши самарали курашни ташкил этиш масалаларида ўзаро мувофиқлашув ва ҳамкорликни кучайтириш бўйича топшириқ бердилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликка оид қатор долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Мулоқот ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 май куни Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари муборак Рамазон ойи муносабати билан самимий қутловлар алмашиб, бир-бирлари ва дўст халқларимизга коронавируснинг глобал миқёсда тарқалиши билан боғлиқ бугунги мураккаб даврда сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тиладилар.

Икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари, жумладан, савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари батафсил кўриб чиқилди.

Президентлар пандемиянинг савдо амалиётлари, иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган кооперация лойиҳалари, экспорт-импорт юкларининг транзит ташувлари учун салбий оқибатларини камайтириш мақсадида тегишли вазирлик ва идораларга видеоанжуманлар ўтказиб боришни давом эттиришни топширдилар.

Коронавирусга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва яқиндан ҳамкорлик қилишга, жумладан, ушбу хавфли касалликни профилактика қилиш ва даволаш, шунингдек, аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлашга оид биринчи галдаги чоралар бўйича ахборот ва тажриба алмашишга келишиб олинди.

Мулоқотда халқаро ҳамкорликка оид қатор масалалар кўриб чиқилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКАДА КАРТОШКА ЕТИШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА УРУҒЧИЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришни ошириш, картошкачилик соҳасида кластер ва кооперация механизмларини кенгайтириш ҳамда замонавий технологияларни жорий этишни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш, шунингдек, картошкага бўлган ички бозор талабини тўлиқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Картошка етиштирувчилар уюшмасининг картошкачиликка ихтисослаштириладиган туманларда **картошкачилик кластерлари ва кооперацияларини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар картошкачилик кластерлари ва кооперациялари **фаолиятининг асосий йўналишлари** эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

инновацион ва ресурс тежамкор технологиялар асосида яхлит майдонларда **истеъмол ва уруғлик картошка етиштириш** ҳамда соҳада **қўшилган қиймат занжирини** яратиш;

уруғлик картошканинг **супер элита ва элита авлодларини етиштиришни кенгайтириш,** уруғликлар тайёрлаш ҳамда замонавий картошка плантацияларини барпо этиш;

истеъмол ва уруғлик картошкага бўлган **ички бозор талабини қондириш,** шунингдек, унинг **экспортини кенгайтириш;**

картошка экиш учун мўлжалланган экин майдонининг камида **50 фоизи**да уруғлик картошканинг супер элита ва (ёки) элита авлодларини етиштиришни йўлга қўйиш;

уруғлик картошкани **сақлаш, саралаш, етказиб бериш ва қайта ишлашни** йўлга қўйиш;

картошкачилик соҳасига **илғор технологиялар, инновацион ечимлар (ноу-хау) ва илм-фан ютуқларини** жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

Истеъмол ва уруғлик картошка, жумладан, унинг супер элита, элита авлодларини етиштиришга **ихтисослаштириладиган туманлар** ҳамда **ҳудудлар рўйхати** 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;

2020-2021 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида аҳолини ва ижтимоий соҳа муассасалари эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш мақсадида **истеъмол картошкасини захирага жамғариш ҳажмлари** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И.Барноевга, зарур ҳолларда, ушбу бандда назарда тутилган иловаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. **2020 йил 1 майдан** бошлаб картошка етиштирувчи фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, шунингдек, картошкачилик кластерлари ва кооперацияларининг **уруғлик картошка харид қилиш харажатларини молиялаштириш** учун уларга **12 ой** муддатгача тижорат кредитлари ажратилади. Бунда:

**миллий валютада** ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошадиган, лекин **10 фоиз** пунктидан кўп бўлмаган қисми;

**хорижий валютада** ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг **30 фоизигача,** лекин **3 фоиз** пунктидан кўп бўлмаган қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда **ҳар йили 1 декабрга қадар** кластер ва кооперациялар таклифлари ҳамда истеъмол меъёрлари асосида келгуси йил учун **картошка экин майдонлари ва ялпи ҳосили прогноз кўрсаткичларини,** шунингдек, уруғлик картошкага йиллик талабни ва унинг етишмайдиган миқдорини аниқлайди;

б) **2023 йил 1 июлгача** бўлган муддатга четдан олиб кирилаётган уруғлик картошка божхона божидан озод этилади. Бунда имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг карантин кўрик далолатномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг мувофиқлик сертификати асосида берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил 1 августга қадар ресурс солиқларини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқлаш, шунингдек, сув тежовчи технологияларни, шу жумладан, ёмғирлатиб суғориш тизими жорий қилинган ерларни 2021 йил 1 январдан ер солиғидан озод қилишни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Давоми 2-бетда

## ЁШЛАР БАНДЛИГИ, БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДЛИК



Худойберди КАРИМОВ,
журналист

**Ўзбек халқининг бунёдкорлиги, яратувчанлиги, сахийлиги ва бағрикенглиги, ўзгалар дардига шерик бўлиш қобилияти-ю жонкуярлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу халқ Иккинчи жаҳон уруши йилларида Россия, Украина, Белоруссиянинг фронт ҳудудида қолган шаҳар ва қишлоқларининг 1,5 миллион аҳолиси, жумладан, ота-онасидан айрилган 200 минг нафар болани қучоқ очиб, кутиб олиб, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди.**

Давоми 3-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН БАЗАВИЙ СИФАТДАГИ ПАХТА ТОЛАСИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ НЬЮ-ЙОРК ТОВАР БИРЖАСИНИНГ ЭНГ ЯҚИН ЕТКАЗИБ БЕРИШ ОЙИ УЧУН ФЬЮЧЕРС КОТИРОВКАСИ ҚИЙМАТИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА СОТУВЧИ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНАДИ.



2020 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРГА ҚАДАР ЖАҲОН БРЕНДЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛГАН ҲОЛДА ТАШҚИ БОЗОРЛАРДА ТАЛАБ КАТТА БЎЛГАН ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТГА ЭГА ТАЙЁР ТИКУВ-ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ШУ ЖУМЛАДАН, УЛАРНИ ЙИРИК ҲУДУДИЙ ТЎҚИМАЧИЛИК-ТИКУВЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА 2021-2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАСДИҚЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАСИН.



МУСТАҲКАМ ЭКСПОРТ ШАРТНОМАЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ ЭКСПОРТОЛДИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ҲАЖМЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ.

МАҲАЛЛИЙ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИГА БИРЖА САВДОЛАРИДА 2020 ЙИЛ 1 АПРЕЛГА ҚАДАР МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА СОТИЛГАН ПАХТА ТОЛАСИ УЧУН ЯКУНИЙ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУДДАТИ 90 КУНДАН 150 КУНГАЧА УЗАЙТИРИЛАДИ.







2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ҲАР БИР КИЛОГРАММ ИП-КАЛАВА УЧУН 0,01 АҚШ ДОЛЛАРИ, 2022 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ҲАР БИР КИЛОГРАММ ИП-КАЛАВА ВА ТРИКОТАЖ МАТО УЧУН 0,05 АҚШ ДОЛЛАРИ, 2023 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН – 0,1 АҚШ ДОЛЛАРИ, 2025 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН – 0,2 АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА ЙИҒИМ УНДИРИЛАДИ.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ЎЗ МАРКАЗИЙ АППАРАТЛАРИ ТУЗИЛМАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ШТАТ БИРЛИКЛАРИ ДОИРАСИДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТУЗИЛМАЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ.

**Бу дунёдаги энг катта ҳақиқат халқнинг ўз халқлигини кўрсата олишидир. Бу кунларнинг заҳматлари унутилади. Лекин юртдошларимизнинг кўнглини раҳмдиллик туйғуси билан юмшатган, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаган, ҳар кимнинг қалбига бирликнинг куч экани, қудрат эканини билдирган бу кунларнинг қадри унутилмайди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 7 май, 77-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# РЕСПУБЛИКАДА КАРТОШКА ЕТИШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА УРУҒЧИЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги 2020 йилнинг 1 июлига қадар ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фойдаланилган сув ресурслари ҳисобини юритиш, уларнинг ҳажмини аниқлаш тартибини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланиладиган сув ресурслари меъёрини қайта кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига:

истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришнинг илмий назарий асосларини такомиллаштириш, картошка уруғликларини тайёрлаш ва илғор агротехнологияларни қўллаш бўйича **илмий тадқиқотлар олиб бориш;**

истеъмол ва уруғлик картошканинг **янги ҳамда серҳосил навлари коллекциясини яратиш,** илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш;

халқаро молия институтлари, хорижий донорлар грантлари ҳамда ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан уруғлик картошканинг **супер элита ва элита авлодларини етиштириш,** замонавий картошка плантацияларини барпо этиш, **“in vitro” лабораторияси** ташкил этиш, уруғликлар тайёрлаш ва картошка етиштирувчиларга етказиб бериш;

сабзавот ва полиз экинларининг юқори ҳосилдор, қурғоқчиликка, шўрга ва касалликларга чидамли, мева сифати юқори бўлган навлари ва дурагайларини яратиш ва уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, шунингдек, ноанъанавий сабзавот экинларини интродукция қилиш ишларини олиб бориш;

истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришда **илғор агротехнологияларни қўллаш** ҳамда **картошка плантацияларини ташкил этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш** ҳамда маҳсулот етиштирувчиларга етказиш вазифалари юклатилсин.

Институтга юқоридаги вазифаларни хусусий ташаббускорлар иштирокида амалга ошириш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги билан биргаликда **2020 йил 1 декабрга қадар** Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига мазкур қарорда **юклатилган** вазифаларни амалга ошириш, моддий-техник базасини **мустаҳкамлаш** ҳамда **“in vitro” лабораторияси** фаолиятини ташкил этиш учун грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академиясининг Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш жамғармасини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

институт тизимидаги тажриба хўжалиги ва илмий-тажриба станцияларининг хўжалик фаолиятидан олинган **соф фойданинг 20 фоизи** миқдоридаги ажратмалари;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик соҳасидаги илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиялаштириш учун **грантлар ажратиш;**

картошка навлари **селекцияси ва уруғчилигини йўлга қўйиш** бўйича тажриба-синов ва бошқа лойиҳаларни молиялаштириш;

сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг яратилган навлари **муаллифларини рағбатлантириш.**

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда:**

Илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги;

Сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг яратилган навлари муаллифларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг:

Фанлар академияси Биоорганик кимё институти тасарруфидаги, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, “Сойлиқ” МФЙ ҳудудида жойлашган **17,2 гектар** ер майдонини **картошканинг маҳаллий навлари бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш** мақсадида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти тасарруфига ўтказиш;

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Бурчмулло” давлат ўрмон хўжалигининг “Писком” массиви ҳудудидаги бўш турган ер майдонларида **юқори авлодли уруғлик картошка етиштиришни** йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишни ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Фанлар академияси, Тошкент, Самарқанд, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари, Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда **2020 йил 1 ноябрга қадар** маҳаллий инвесторлар маблағлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг соҳага жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда грантлари ҳисобидан ҳудудларда **“in vitro” лабораторияларини** ташкил этиш чораларини кўрсин;

Уруғчиликни ривожлантириш маркази, Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг **уруғлик майдонларини сифатли синовдан ўтказиш** чораларини кўрсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда:

такрорий майдонларга экиш учун етишмайдиган уруғлик картошка ўз вақтида импорт қилинишини ва тўлиқ экилишини таъминласин;

истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришни кўпайтириш, шунингдек, уруғлик картошкани фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўз вақтида етказиб бериш ишларини тизимли ташкил этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси, Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда **жорий йилнинг 1 сентябрига қадар:**

истеъмол ва уруғлик картошкани давлат захирасига харид қилиш ҳамда ушбу тадбирларни молиялаштириш тизимини жорий этиш;

картошка сақланадиган омборхоналарни хатловдан ўтказиб, аҳолининг қиш-баҳор мавсумида картошка истеъмоли ва сақланадиган уруғлик ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча омборхоналар ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти билан биргаликда **бир ой муддатда** илғор хорижий тажриба асосида картошкачиликда фойдаланиладиган махсус техникалар, жумладан, картошкани экиш, йиғиб-териб олиш ва саралаш техникалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Картошка етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда **Халқаро картошкачилик маркази (CIP)** билан ҳамкорликни йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида картошканинг турли **стресс омилларга чидамли эрта, ўрта ва кечпишар маҳаллий навларини яратиш,** картошка селекцияси ҳамда уни етиштириш технологиясига оид илмий-тадқиқот лойиҳалари танловини ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси:

четдан олиб кирилаётган уруғлик картошка учун бериладиган кўрик далолатномасини тақдим этишни тезлаштириш чораларини кўрсин;

четдан олиб кирилаётган уруғлик картошканинг сифати, ҳудудларда уруғлик картошканинг фитосанитар тоза ҳолда ва карантин объектларидан ҳоли етиштирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси:

четдан олиб кирилаётган уруғлик картошка учун бериладиган мувофиқлик сертификатининиг берилишини тезлаштириш чораларини кўрсин;

уруғлик картошка етиштириш, ундан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, уруғлик картошканинг сифатли сақланишини таъминлаш ва нобуд бўлишининг олдини олиш;

уруғлик учун картошка экилган майдонларда синовларни белгиланган талаблар асосида ўтказилиши, шунингдек, жойларда мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган уруғлик картошка экилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И.Барноев:

**ўн кун муддатда** 2020 йил ҳосили учун ғалладан бўшайдиган майдонларга экиш мақсадида импорт қилинадиган уруғлик картошка ҳажмини ва ҳудудлар кесимидаги тақсимотини тасдиқласин;

фаолият юритаётган ва янги ташкил этиладиган картошкачилик кластерлари ва кооперациялари томонидан картошка экиш учун мўлжалланган экин майдонининг камида **50 фоизи**да картошканинг супер элита ва (ёки) элита ва авлод уруғларини етиштиришни йўлга қўйилишини таъминласин;

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш, картошкачилик кластерлари ва кооперациялари ўз вақтида ташкил этилишини таъминлаш, истеъмол ва уруғлик картошкага бўлган ички бозор талабини қондириш билан боғлиқ ишларни самарали ташкил этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў.И.Барноев ва Ж.А.Кўчқоров зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 6 май

*Яхшиликларнинг энг фойдалиси саховатдир*
*Ибн Сино*

# ҚУДРАТЛИ ҚАЙТИШ БЎЛАЖАК



**Қутлибека РАҲИМБОЕВА,**
журналист

Ўзбек халқининг миллий ифтихори, шоирлар султони, мумтоз ўзбек адабиёти сардори, етук давлат арбоби Алишер Навоий инсониятни эзгуликка, бахту иқболга, ахлоқу одобга, сабру қаноатга, инсофу саховатга, яхшиликка, комилликка чорлаган буюк даҳо. Алишер Навоий бобомиз “Ғаройиб ус-сиғар” достонида бундай ёзади:

**Сахий улдурки, навъе базл қилғай,**
**Агар худ суфра ичра бўлса нони.**
**Фалакдек йўқки, аввал жилва бергай**
**Қуёшнинг қурсидек оламға они.**

Яъни сахий шундай инсонки, дастурхонида бор бўлган нонидан эҳтиёжмандларга улашади. Фалакка чиққан қуёш бутун оламни ёритганидек, сахий инсон ҳам эҳтиёжманд кишилар кўнглига нур бағишлайди.

Дарҳақиқат, инсон барча яралмишлардан азизроқ. Худди шу фикр Президентимизнинг рўй берган табиий офат туфайли Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида айтган гапларига ҳамоҳангдир.

“Мен учун ҳар бир кўча, ҳар маҳалла, ҳар оила қадрли”, деди давлатимиз раҳбари. Ниҳоятда самимият билан айтилган бу изҳорнинг самарасини ҳар кун, ҳар соатда эшитиб, экранларда кўриб турибмиз.

Табиий офат ўз оти билан табиий офат. Унинг қачон, қаердан келишини биров билмайди. Табиат ҳам ўз қонунлари билан яшайди. Шу маънода, сув тошқини халқимизнинг кўрмаган кўргулиги эмас. Жайҳун неча бор ўз ўзанидан тошиб, қирғоқларини ювиб кетган. Фарғона тарафлар ҳам бир неча бор бу табиий офатдан азият чеккан. Дуогўйларимиз дастурхон бошида бежиз “ўт балоси, сув балоси, туҳмат балосидан асра”, дея илтижо қилмайди.

Тақдир экан, 1 май санасининг тонготарида Сардоба сув омборида ўша кунги кучли ёмғир ва шамол таъсирида сув тошқини юзага келди. Халқнинг халқлиги осойишта, сокин кунлардан ҳам кўра, кўпроқ эл бошига иш тушганда билинади.

Бу хабар лаҳзаларда бутун мамлакат бўйлаб тарқалди. Тошқиндан талафот кўрган Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 22 та аҳоли пунктида яшовчилар зудлик билан Сирдарё вилоятининг сув йўлидан узоқ туманлари, шунингдек, Жиззах вилоятига эвакуация қилинди.

Ҳаммамиз бир кўз бўлиб экранларга тикилар эканмиз: “70 минг нафарга яқин фуқаро бехатар жойларга кўчирилди, бошпана, озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминланди. 56 киши турли жароҳатлар билан шифохонага ётқизилди”, деган хабардан кўнглимиз таскин топади. Мамлакатимиз раҳбарининг бутун бошқарувни электрон тизимга ўтказиши ҳақида айтган фикрлари ҳикматини шу лаҳзаларда яна ҳам теранроқ англадик. Ахир, мамлакатимиз деҳқончилигининг салмоқли қисмини етиштиришга хизмат қиладиган бу сув омборида озмунча сув сақланармиди? Агар “Сув жиловлансин!” “Аҳоли кўчирилсин!” “Ҳамма нарса назоратга олинсин!” каби буйруқлар яшин тезлигида ўз эгаларига замонавий воситалар билан етказилмаганда бу асов тошқин бир кунда жиловланармиди?

*“Андижон вилоятидан 5 тонна ун, 500 килограмм ёғ, 600 килограмм гўшт, 3 тонна картошка, 2 тонна гуруч ва 2 тонна бошқа маҳсулотлар, 35 мингта тиббий ниқоб, 10 минг дона бир марталик идиш, 145 мингдан зиёд кийим-кечак маҳсулотлари Сирдарёга юборилди...” “Самарқанд вилояти бюджетидан сардобаликларга ёрдам учун 5 миллиард сўм ажратилди”. “Республикамизнинг қатор ҳудудларидан Сирдарё ва Жиззах вилояти тарафга ёрдам карвонлари йўлга тушди...”*

Бундай хабарларни шунчаки оддий маълумотдек қабул қиламизми? Асло!

Буюк қомусий олимларимиздан бири Ибн Сино ўта **саховатли инсон** бўлган. У, айниқса, илм йўлида **саховати юксак** эди. Умрининг охирида бутун мол-мулкини хайр-саховат қилгани таъкидланади. Олим **меҳр-кўмак** ҳақида кўплаб ҳикматли фикрларни айтган. Жумладан, у яхшилик қилиш кераклиги ҳақида гапириб: **“Яхшиликларнинг энг фойдалиси саховатдир”, деган.**

Бу дунёдаги энг катта ҳақиқат халқнинг ўз халқлигини кўрсата олишидир. Бу кунларнинг заҳматлари унутилади. Лекин юртдошларимизнинг кўнглини раҳмдиллик туйғуси билан юмшатган, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаган, ҳар кимнинг қалбига бирликнинг куч экани, қудрат эканини билдирган бу кунларнинг қадри унутилмайди.

“Сардобаликлар ёз дастурхонимизни зийнатлагувчи заҳматкашлар эди”, дея ёзмоқда ижтимоий тармоқларда замондошларимиз.

Балли, улар яна юраклардаги нақш, кўзларидаги оташ, қўлларидаги куч билан ўз масканларига қайтадилар. Насиб қилса, бу фақат меҳнатга қайтиш бўлмайди. Бу юртдошларимиз муҳаббатидан қудрат олган қудратли қайтиш бўлади.

# СИНОВЛАРДА ЧИН ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ БУ — САХОВАТДИР

**Абдулатиф АЛЛОҚУЛОВ,**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси

**Одамдан одамнинг, ойдан ойнинг фарқи бор. Аллоҳ таоло инсонлар орасида олимларнинг, ойлар ичида рамазоннинг даражасини кўтариб қўйган. Шу сабаб ҳадисларда Пайғамбаримиз алайҳиссалом ушбу ойда ҳар қачонгидан ҳам саховатли бўлиб кетишлари баён қилинади. Бу ҳар бир мўмин-мусулмон учун ибратдир. Шунга кўра, рамазон ҳам тоат ва ибодат, ҳам хайр ва саховат, шунингдек, муҳтожлар ҳолидан хабар олиш давридир.**



Дунёда турли қийинчиликларга сабаб бўлаётган пандемия, табиатнинг кутилмаган инжиқликларию офатлари, айтиш жоиз бўлса, инсониятни жипслашишга, бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишга ундамоқда. Бу синовдан ғолиб чиқишнинг ягона йўли ҳам шу аслида. Бу кўмак ва саховатдир.

Юртимизда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ташкил этилди. Рамазоннинг асл мақсадига ҳамоҳанг ушбу ғоя саховатпеша инсонлар кучига-куч, ғайратига-ғайрат, ҳимматига-ҳиммат қўшди.

Негаки, синовли кунларда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга ижтимоий кўмак бериш халқнинг халқ сифатида шаклланганини, миллат сифатида ўзлигини намоён этаётганини яққол кўрсатиб берувчи ҳодисадир, десак асло муболаға бўлмайди.

Юртимиз азалдан илм-фанда пешқадам, саховату оқибатда бошқаларга намуна бўлган. Ундан етишиб чиққан алломалар илмий мероси ҳам шундан далолат беради. Насаф (ҳозирги Қарши)дан етишиб чиққан, тафсир, фиқҳ, ақида илмига оид юздан зиёд асар муаллифи, шунингдек, минга яқин шогирднинг устози, Самарқандда мадрасалар очиб, талабаларни беминнат ўқитган Абу Ҳафс Насафий шундай алломалардан.

Унинг ақида илмига доир “Ақоид”, тафсир соҳасидаги “ат-Тайсир фи ат-тафсир” (“Енгил тафсир”), фиқҳга оид “Тилбат ут-талаба” (“Талабаларнинг излагани”), ҳадис борасидаги “Шарҳу Саҳиҳ ал-Бухорий” (“Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ ул-Бухорий” асари шарҳи” асарлари, айниқса, муҳим.

Насафий “ат-Тайсир фи ат-тафсир” асарида саховатпеша инсонлар ҳақида бундай ёзади: **“Аллоҳ таоло қилинган эҳсоннинг қанчалигига эмас, банданинг ихлосига қарайди. Пайғамбаримиз: “Яхши сўз ҳам садақадир”, деганлар. Шунга кўра, муҳтожларга моддий, бунинг имконини топмаса, ширин сўз ёки бирор юмушини бажариш билан ёрдам кўрсатиш, уларни руҳан қўллаб-қувватлаш имонлилик белгисидир”.**

Аллома ихлос билан қилинган саховатнинг имон белгиларидан эканини таъкидламоқда. Бу эса улкан ажр, мукофот деганидир.

Абу Ҳафс Насафий Қуръони каримдаги “Бақара” сурасининг 271-оятига оид шарҳида, жумладан, бундай ёзади: “Аллоҳ таоло боқувчисини йўқотган, кам таъминланган инсонларга хайру эҳсон қилган одамнинг **гуноҳларини кечади, бойлигини кўпайтиради, қалб касаллиги бўлган бахиллик ва зиқналикдан халос қилади”.**

Ҳар бир одам қандайдир гуноҳ ишни содир қилади ва унинг кечирилишини истайди. Саховат фазилати айни шу имконни тақдим қилади. Яъни атрофдагиларга яхшилик қилиш нафақат гуноҳларга мағфират, балки инсонни умри давомида таъқиб қилиб, руҳий азоб бўлган қалб “касалликларидан” халос бўлиш кафолатидир.

Ҳозир бу масала дунёда коронавирус пандемияси сабаб ишсизлик тобора авж олаётган, кўмакка муҳтож инсонлар кўпайиб бораётган бир пайтда, айниқса, долзарблик касб этмоқда.

Шундай экан, унутмайлик, азалий қадриятларимизга, буюк аждодларимиз илмий-маънавий меросига мос равишда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига фаол қўшилиш, юрт корига яраш — муҳтожларга меҳр ва оқибат, саховат ва ҳиммат кўрсатиш имон талаби, масъулияти ва мажбуриятидир.

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:

# ЁШЛАР БАНДЛИГИ, БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДЛИК

**Жараён**

Бошланиши 1-бетда





**Қисқа муддатда 8,3 км. электр, 3,6 км. ўрта ва паст босимли газ тармоқлари тортилди, 332 та хонадоннинг табиий газ тармоғига уланиши таъминланди, 740 та хонадонга 17,2 км. марказий ва ички ичимлик сув тармоқлари орқали тоза ичимлик сув олиб келинди, 9 км. йўл асфальт қилинди, 8,1 км. йўлга шағал ётқизилди.**

**Ишчи гуруҳ ўрганишлари натижасида аниқланган мактаб ёшидаги 25 нафар ва ундан юқори ёшдаги 42 нафар хат-саводи бўлмаган лўли миллатига мансуб аҳолини ўқитиш учун алоҳида курслар ташкил этилди. Ҳужжати бўлмаган 39 нафар шахсга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, 3 нафарига фуқаролик паспорти берилди.**

Шу юртнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган минглаб одамлар XX асрнинг улкан экологик фожеаси — Орол денгизининг қуриган тубини кўкаламзорлаштириш ишига отланиб, ўрмонзорлар ташкил қилмоқда.

Ўзаро можаролардан чарчаган Афғонистонга, коронавирусдан азият чекаётган Хитой, Эрон, Қирғизистон, Беларусь, Озарбайжон каби яна бир қатор давлатларга баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзаётган ҳам бизнинг халқимиз. Қолаверса, яқинда Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларидаги табиий офат, Сардоба сув омборидаги тошқин оқибатларини бартараф этишда халқимиз ўз жипслиги, бирлиги, меҳру оқибат ва саховатини яна бир бор намоён қилди. Ҳа, бунёдкорлик, қийналганга қарашиш, муҳтожга кўмак бериш ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган.

Миллатнинг миллий қадриятига айлаган ана шу бебаҳо фазилати давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бутун мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасидаги мисли кўрилмаган кенг қамровли бунёдкорлик ишларида яна бир бор намоён бўлди. Ушбу дастурлар доирасида мамлакатимизнинг 159 та туман ва 30 та шаҳри, пойтахтимизнинг 11 туманидаги жами 1116 та қишлоқ ва маҳаллада яшовчи аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Яна бир мисол: 2019 йилда Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида якунига етказилган ишлар сўзларимизни яна бир бор тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 январдаги “Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самаралари моделини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Пахтакор тумани ҳокимининг қарори қабул қилиниб, шаҳар марказини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, архитектура қиёфасини замонавий кўринишга келтириш, аҳоли дам олиш марказлари, хиёбонлар, болалар ўйингоҳлари қуриш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида шаҳар марказида чўлни ўзлаштириш учун сафарбар қилинган одамларни бошпана билан таъминлаш мақсадида 90 га яқин барак уй барпо қилинган эди. Олтмиш йилга яқин вақт ичида буткул харобага айланиб улгурган ушбу турар жойларда ҳамон мингга яқин оила, 3654 нафардан ортиқ инсон кун кечириб келарди. Қўшни Дўстлик туманидаги Манас қишлоғи ва Мирзачўл туманининг Ғалаба маҳалласида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида рўй берган янгилик ва ўзгаришларга ҳавас қилган



пахтакорликлар ўз шаҳарлари кўркини бузиб турган ушбу ёғоч уйларни бузиб ташлашга, уларда яшовчи фуқароларга эса туманнинг “Олтинкўл” ва “Олмазор” маҳаллаларининг 3 та массивидаги 28 гектар майдонида якка тартибдаги янги уйлар қуриб беришга аҳд қилишди.

Президент Администрацияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари, қатор бошқа вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, саховатпеша инсонлар бу ишга ўз ҳиссаларини қўшиш истагини билдирди. Жиззах вилояти ҳокимининг баённомасига кўра, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида ҳудуд 3 та массивга бўлинди ва туман ҳокими, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ҳамда вилоят прокурори раҳбарлигида махсус штаблар ташкил этилди.

— Кўпдан қуён қочиб қутилмас, деганлари рост экан, — дейди Пахтакор тумани ҳокими ўринбосари Ҳамид Ҳасанов. — Турар жой қуриш ишларига сарфлаш учун “Ўзмиллийбанк” томонидан 400 нафарга яқин оиланинг ҳар бирига 160 миллион сўмдан, жами 6,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Шунингдек, турли жамғармалар ва ҳомийлар томонидан 10 миллиард сўм миқдорида ёрдам пуллари тўпланди.

Айтиш жоизки, бузиб ташланган барак уйларда яшаганларнинг аксариятини кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ташкил қилар эди. Бошпана қуриш ишларида уларга Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 300 нафар қутқарувчи ҳамда махсус қурилиш-монтаж батальони аскарлари беминнат хизмат кўрсатди. Уларнинг кучи билан қурилиш материаллари, шунингдек, қум-шағал, тупроқ, сув, пешма-пеш етказиб турилди. Уй-жой қураётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бор 376 нафар фуқарога тендер ғолиби бўлган таъминотчи ташкилотлар томонидан арзонлаштирилган нархларда қурилиш материаллари етказиб берилди. Умумхалқ ҳашарига айланиб кетган беғараз саъй-ҳаракатлар натижасида 7 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари якунига етказилди. Маҳалла гузари, профилактика инспектори хизмат уйи, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ҳаммом қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга, янгидан барпо бўлган маҳалла аҳлини, биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Вилоят “Пахтасаноат” акционерлик жамиятининг салкам 2 миллиард сўм маблағи эвазига 2 та тикувчилик корхонаси барпо этилди. Айни кунларда ушбу жамоада 300 нафар хотин-қиз 700 миллион сўмга сотиб олинган 280 та замонавий тикув жиҳози ёрдамида ҳар куни импорт ўрнини босувчи, экспортбоп 4 минг дона маҳсулот тайёрлаб, истеъмол бозорига етказиб бермоқда.

— Мен Пахтакор туманида туғилиб, вояга етганман, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов. — Тўғриси, ташкил этилганига анча вақт бўлганига қарамай, туманга узоқ-яқиндан меҳмонлар, айниқса, хорижликлар унча ҳам тез ташриф буюраверишмасди. Ҳозир эса акси бўлмоқда. Масалан, яқинда БМТ ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги доимий координаторлари “Олтинкўл” маҳалласида бажарилган ишларни ўз кўзлари билан кўриш учун келди. Нимасини айтасиз, нуфузли меҳмонлар амалга оширилган ишлар кўламидан, айниқса, уларнинг ўта қисқа вақт ичида якунига етказилганидан ҳайратга тушишганини яшириб ўтиришмади. Ушбу юмушларнинг аксарияти ҳашар йўли билан, мутлақо текинга адо этилганини тушунтириш эса бизга ҳам анча қийин бўлди.

Дарҳақиқат, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Ҳелена Фрейзер Пахтакорда кўрганлари ўзи учун кутилмаган янгилик бўлганини эътироф этди. “БМТ фаолиятидаги энг муҳим масалалардан бири бу одамларни уй-жой билан таъминлаш, уларга яшаш шароити яратиб беришдир. Ўзбекистон ҳукуматининг бу борадаги ҳаракатларидан мамнунмиз. Бу ерда яна бир муҳим ҳолатга, Ўзбекистонда барча миллат ва элат вакилларига ривожланиш, фаровон ҳаёт кечириш учун бирдек, тенг имкониятлар яратилганига ҳам гувоҳ бўлдим. Зеро, янги уйларда яшаётганларнинг кўпчилиги республикадаги кам сонли миллат — лўлилар экан”, деди Фрейзер хоним.

— Уй фақат бошпана эмас, балки инсон бехавотир, эмин-эркин яшайдиган истеҳкомдир. Одамлар айнан ана шу муҳофаза майдонига эга бўлибди, — дейди Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги координатори Жон Макгрегор. — Маҳалла аҳлининг аксарияти бекаму кўст яшаши учун иш ўринлари яратилгани ҳам таҳсинга лойиқ. Европа андозалари талабига мос тикувчилик корхонасининг фаолият юритаётгани Ўзбекистон ҳукумати бу борада ҳам тўғри йўл тутаётганини тасдиқлайди.

Ҳа, қисқа муддат ичида қад ростлаган “Олтинкўл” Пахтакор туманининг кўз-кўз қилишга арзийдиган масканларидан бирига айланиб улгурди. Маҳалла аҳли коронавирус пандемияси давом этаётган шу кунларда мамлакатимизда эълон қилинган карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда иш юритиб, биринчи галда, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига эътибор қаратмоқда. Ҳудуддаги кўча ва хиёбонларга 1,5 минг тупга яқин, бошқача айтганда, салкам 50 миллион сўмлик арча, каштан, япон сафораси каби ноёб дарахт кўчати экилгани бунинг исботи. Қарийб барча хонадонлар эгалари ўз томорқаларини гулдек қилиб қўйган. 50 га яқин иссиқхонада етиштирилган маҳсулотлар шу ернинг ўзида қўлма-қўл бўлиб кетяпти.

— Бошқа массивлардаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда, — дейди туман қурилиш бўлими бошлиғи Аҳрор Жўраев. — Жумладан, ҳар бири 50 нафар болага мўлжалланган 2 та мактабгача таълим муассасаси, 480 ўқувчи ўрнига эга мактаб, сунъий тўшамали спорт майдончалари, ҳаммом, нон цехи, гўзаллик салони, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини бунёд этиш бўйича ташаббускор тадбиркорлар аниқланиб, қурилиш ишлари авж олиб кетган.

Бундан роппа-роса бир йил аввал “Олтинкўл” маҳалласида 5,5 минг киши иштирокида умумхалқ ҳашари уюштирилди. Жиззахнинг турли шаҳар ва туманларидан, ҳатто қўшни вилоятлардан ташриф буюрган беминнат кўмакчилар кун давомида кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларида иштирок этди.

— Жиззахда ўрганишга, ўрнак олишга арзирли ишлар, тадбирлар талайгина экан, — деганди ўшанда Юқори Чирчиқ тумани ҳокими ўринбосари Обиджон Солиев. — Энг муҳими, халқимизнинг “Бирлашган ўзар”, деган пурмаъно нақлининг ҳақлигига биз Пахтакорда ишондик.

Ҳа, бугун Пахтакор тумани маркази ҳақиқий мардлар майдонига айланган. Туман аҳли, қурувчилар, карантин қоидаларини бузмаган ҳолда шаҳарнинг барча массивларини, кўча ва хиёбонларини ҳам Олтинкўлдек гўзал гўшага айлантириш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

## Кўчамизни ҳам топа олмадим

Абдурасул АБДУРАҲМОНОВ,
пенсионер

**Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида катта бўлганман. 1967 йили Тошкент давлат халқ хўжалиги институти(ҳозирги Иқтисодиёт университети)ни тугатиб, Пахтакор туманига йўлланма олдим. Ўша йили туманда давлат банкининг Пахтакор филиали ташкил этилиб, мен бош ҳисобчи сифатида иш бошладим.**




Чўлни ўзлаштириш авжига чиққан, собиқ шўролар давлати барчани чўлга чорлаётган йиллар. Ўша пайтда туман маркази Пахтакор катта бир қишлоқ эди. Шўролар ҳукумати чўлқуварларга барча шароитларни яратиб берамиз деб бақир-чақир қилган бўлса-да, одамларнинг яшаши учун оддий уй-жой ҳам етарли эмасди. 1960-1966 йилларда қурилган ёғоч барак уйлар эса эгаллаб бўлинганди.

Мен оилам билан банк биносининг иккинчи қаватидаги мослашмаган хонада яшай бошладим. Кейинроқ эса ўша барак уйлардан бирига кўчиб ўтдим. Хуллас, 70-йилларнинг охиригача шу туманда истиқомат қилдим. Турли лавозимларда ишладим. Кейин ишим ўзгаргани учун Янгиер шаҳрига кўчиб келдим.

Пахтакорда кўп одамлар билан ака-укадек бўлиб кетгандик. Айниқса, қўшниларимиз билан жуда иноқ эдик. Шу боис, ўша томонга йўлим тушса, имкон қадар Пахтакорга бир кириб ўтишга, эски танишларим, қўшниларим билан дийдорлашишга ҳаракат қилардим.

Бундан икки ойлар бурун Жиззах шаҳрига тўйга бордим. Уйга қайтишда Пахтакорда тўхтадим. Шаҳар ҳудудига киргач, тўғриси, адашиб қолдим. Чунки кўчамизни ҳам, ўзим яшаган уйни ҳам топа олмадим. Бузилиб, ўрнига барча шароитга эга уйлар, боғча, мактаб, маъмурий бинолар қурилибди.

Йўлда ўша пайтдаги қўшниларимдан бири Исмат Сайфуллаевни учратиб қолдим.

— Булар кейинги бир-икки йилдаги ўзгаришлар, — деди у қурилган биноларни кўрсатиб. — Пахтакорга қайтиб кўчиб келинг. Ҳар бир уйга тоза ичимлик сув келган. Газ, электр энергиясида ҳам муаммо йўқ. Хуллас, қайтиб келсангиз, афсусланмайсиз.

Исмат аканинг гапини ҳазилга йўйиб уйга қайтар эканман, шаҳарда қисқа муддатда амалга оширилган ишлардан ҳайратга тушдим. Ҳақиқатан ҳам, Пахтакор чўл қўйнидаги гулистонга айланибди. Шу ишларнинг бошида турган давлатимиз раҳбарига раҳмат, қурувчиларга тасанно.

## “Олтинкўл” маҳалласи аҳлининг янги шиори

Шерали НУРМАНОВ,
Пахтакор туманидаги “Олтинкўл” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Қаерда ободлик бўлса, ўша ерда қут-барака, фаровонлик, эзгулик бўлади. Бу хайрли гапни бизнинг “Олтинкўл” маҳалламизнинг каттаю кичик аҳолиси ўзларига шиор қилиб олган.**



Марказий қўрғонимиз ўтган йили, атиги бир неча ой ичида, бўм-бўш майдонда қад ростлади. Қисқа муддат ичида нафақат уй-жойлар, балки давлат ва жамоат бинолари, савдо, сервис, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга бўлдик. Янги мактабга йўл олган болаларимизнинг қувончдан энтикканини кўрганингизда эди. Оналаримиз бизникидагидек боғча Жиззах шаҳрида ҳам йўқлигини фахр билан гапиряпти.

Маҳалламизда бугунги кунда 14 миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ, оға-инилардек яшаб келмоқда. 1 минг 300 дан ортиқ оилада яшаётган 4 минг 200 нафар маҳалладошимизнинг 560 нафарини лўли миллатига мансуб фуқаролар ташкил қилади. Улар ўтган йили “Обод қишлоқ” дастури доирасида амалга оширилган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари натижасида ўзларининг қонуний турар жойларига эга бўлди ва маҳалламизнинг тўлақонли аъзоларига айланди.

Лўли оилалар аъзоларининг аксарият қисми иш билан таъминланган. Бу оилаларда ўсиб-улғаяётган ўғил-қизлар ҳудудимиздаги боғча ҳамда умумтаълим мактабига қатнаб, таълим ва тарбия олмоқда.

Ушбу миллат вакиллари меҳнатсеварлиги, зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажариши, жамоат ишларида фаол иштироки билан ўзларини кўрсатаётир. Давлат Бўриев, Нордона Истамова, Ўсар Ёрқулов, Салима Эргашева каби маҳалладошларимиз эса фаоллик борасида нафақат ўз қавмлари, балки бутун маҳалла аҳлига ўрнак бўляпти.

Маҳалламизда миришкор деҳқонлар, уста томорқачилар кўп. Коронавирус туфайли эълон қилинган карантин кунларида ҳудудимиз хонадонлари ихтиёридаги 12 гектар томорқадан самарали фойдаланиш масаласига асосий эътиборни қаратганмиз. Ушбу майдоннинг барчасига шу кунгача турли экинлар экиб бўлинди. 200 нафардан ортиқ тадбиркоримиз эса маҳалламиз аҳлининг озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун куч ва ғайратларини аямаяпти.

Яқинда маҳалламизда барпо этилган бир қатор объектларнинг очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда қатнашган хорижлик меҳмонлар фарзандларимиз учун қурилган боғча ва мактабни, аҳоли учун қурилган уйларни кўздан кечириб, қурувчиларимизнинг ишларини юқори баҳолашди.

Маҳалламизда бугун одамларимизнинг тинч, фаровон яшашлари учун барча шароит яратилган. Газ, электр, ичимлик сув таъминотидаги қулайликлардан аҳолимиз хурсанд. Бир сўз билан айтганда, бизнинг “Олтинкўл” озод юртнинг обод маҳаллаларидан бирига айланди.

Таълим








# ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ВА САМАРАЛИ ШАКЛИ

## ЁХУД МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Мамлакатимизда коронавирус туфайли карантин тартиби жорий этилиб, барча таълим муассасалари фаолияти вақтинча тўхтатилганига бир ярим ойдан ошди. Айни пайтда ўқувчи-талабалар дарсларни телевидение ҳамда интернет орқали масофавий ўзлаштирмоқда.*

*Пандемия сабабли тизимга масофавий технологиялар жорий қилиниб, 7 миллион ўқувчи ва 500 минг талабага онлайн дарс бериш йўлга қўйилди.*

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Улуғбек Тошкенбоев билан суҳбатимиз яқинда бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан соҳа ходимларига берилган топшириқлар мазмун-моҳияти, карантин шароитида онлайн ўқув жараёни изчиллигини таъминлаш, юртимиз олий таълим тизимида масофавий ўқитишни жорий этиш истиқболлари ҳақида кечди.*

**— Сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг айни пайтда таълим сифатини назорат қилувчи орган сифатида масофавий ўқитиш жараёнидаги ўрни ва масъулияти хусусида сўзлаб берсангиз.**

— Дарҳақиқат, умумий ўрта таълим мактабларида ўқув йилининг IV чораги учун режалаштирилган машғулотлар масофавий видеодарслар кўринишида ташкил этилмоқда. Ушбу жараёнда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси назорат органи эмас, балки ҳамкор ташкилот сифатида иштирок этяпти. Тайёрланаётган видеодарслар сифатини ошириш бўйича малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда зарур тавсиялар берилмоқда.

Қарийб икки йил давомида халқаро PISA тадқиқотларига тайёргарлик доирасида инспекция томонидан элликка яқин видеодарс тасвирга олинган эди. Ҳозирги кунда ушбу видеодарслар ҳам эфирга узатилмоқда.

Масофавий таълимни йўлга қўйиш масаласини муҳокама қилганимизда, хорижлик ҳамкорларимиз кўпгина давлатларда мактаб ўқувчилари учун ҳам интернет орқали ўқув жараёни ташкил этилгани, бироқ интернет ва техник имкониятлар етишмовчилиги сабаб кўплаб муаммолар кузатилаётганини қайд этди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бу борада тутган йўли, яъни онлайн дарсларнинг телевидение ва интернет орқали тенг тақсимланиши энг тўғри танлов бўлганини таъкидлашди.

Юртимизда биринчи марта ташкил этилаётгани боис, видеодарсларда, умуман, масофавий таълимни ташкил этишда ўзига яраша муаммолар кузатилиши табиий. Ҳозир Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан масофавий таълимни ташкил этиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича халқаро экспертлардан таклиф ва тавсиялар олиниб, тизим такомиллаштирилмоқда.

Шу ўринда масофавий бўлса-да, таълим сифатини таъминлаш ҳақида ҳам унутмаслик керак. Ҳозир айрим ривожланган мамлакатларда масофадан олиб борилаётган дарсларининг сифатини назорат қилиш учун онлайн сўровлар ўтказилиб турилади. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳам Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда масофавий таълимнинг ташкил этилиши юзасидан мониторинг олиб бормоқда.

Жараёнда кенг жамоатчилик назоратини кучайтириш ва ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида инспекциянинг @edumonitoring_bot телеграм боти ишга туширилган. У орқали ота-оналар мактаб ва олий таълим муассасаларида масофавий ўқитишнинг сифати, уни ташкил этиш ҳамда ҳудудлардаги муаммо ва қийинчиликлар бўйича хабар ва таклифлар бермоқда. Айни пайтда ҳамкор вазирликлар ва маҳаллий ҳокимликлар билан масофавий таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар бартараф этилмоқда.

Биз ўқувчиларнинг видеодарслар орқали таълим олаётганини ҳар бир хонадонга кириб назорат қилолмаймиз. Шу нуқтаи назардан, телеканаллар орқали мунтазам бериб борилаётган машғулотлар ўқитувчи-мураббийлар билан бир қаторда ота-оналарга ҳам масъулият юклайди. Жумладан, улар фарзандларининг телевидение орқали узатилаётган дарсларни мунтазам кузатиб бориши учун шароит яратиши, доим назорат қилиши, ўғил-қизининг мавзуларни ўзлаштириши, вазифаларни бажаришига ёрдамлашиши, шунингдек, ўқитувчилар билан хабар алмашиш учун интернет орқали мулоқотни таъминлаши лозим.

**— Мактабларда жорий ўқув йили “online-maktab” лойиҳаси доирасида ташкил этилган масофавий телевизион видеодарслар орқали якунланиши кенг жамоатчилик ўртасида қизғин муҳокама қилинмоқда. Бу борадаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Шу йил 30 апрель куни жорий ўқув йилини сифатли якунлаш, битирув ва кириш имтиҳонларини ташкил этиш масалалари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Президентимиз ўқув йилини сифатли якунлаш, бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда юртимиз таълим тизими учун энг мақбул йўлни танлаш вазифаларига тўхталиб ўтди. Шунингдек, таълим муассасаларида, айниқса, мактабларда меъёрларни қайта кўриб чиқиш зарурати мавжудлигини таъкидлади.

Мазкур вазифаларга таяниб, инспекциямиз томонидан карантин шароитида умумий ўрта таълим мактабларида ўқув йилини якунлаш ва якуний давлат аттестацияларини ўтказиш бўйича ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди. Гувоҳи бўлдикки, бу борада тараққий этган давлатларда ҳам ҳали ягона тўхтамга келингани йўқ. Изланишлар давом этмоқда.

Жумладан, Германия, Франция, Италия, Чехияда май ойининг иккинчи ярмидан мактабларда дарс давом этиши белгиланган. Акс ҳолда якуний имтиҳон баҳолари ўқувчиларнинг уйга вазифа сифатида бажарган топшириқларини ҳисобга олган ҳолда, мактаб кенгашлари томонидан масофавий тарзда қўйилиб, келгуси ўқув йилида жорий йилда тасдиқланган мавзулар бўйича машғулотлар давом эттирилади.

Японияда ҳам фавқулодда ҳолат 6 майга қадар давом этади. Ҳозир мамлакатдаги 32 фоиз мактаблар (коронавирус инфекцияси мавжуд бўлмаган ҳудудларда) апрелда бошланган янги ўқув йили муносабати билан очилган бўлса, 68 фоизи ҳамон ёпиқлигича қолмоқда. Хитойда юқори синфлар учун таълим муассасалари босқичма-босқич очилмоқда. Россия Федерациясида коронавирус пандемияси шароитида ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича тегишли тавсиялар мамлакатнинг барча ҳудудига юборилган.

Ушбу маълумотлар Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан ҳамкорлик олиб бораётган қатор халқаро экспертлар билан ўтказилган онлайн мулоқотларда ҳам ўз тасдиғини топди. Суҳбат давомида хорижлик экспертлар карантин шароитида телевизион видеодарслар асосида масофавий таълимни ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолади.

Халқаро экспертлар фикрича, бутун дунёда ўқувчиларни масофавий ўқитиш усулига ўтказиш жараёнида тизимли камчиликлар кузатилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Айни пайтда Ўзбекистондаги 6,2 миллиондан ортиқ ўқувчининг барчаси ҳам масофавий таълим олиш бўйича зарур ресурс ҳамда тенг шароитга эга, деб айтолмаймиз. Айниқса, пандемия туфайли кўмакка муҳтож аҳоли қатлами энг кўп зарар кўрмоқда. Бундай юртдошларимизнинг кўпи чекка ҳудудларда яшаётгани учун электрон қурилмалардан фойдаланиш ёки интернет тармоғига уланиш имкониятига эга эмас.

Шу каби ҳолатларни инобатга олиб, коронавирус пандемиясининг мамлакатимиз халқ таълими тизимига таъсирини юмшатиш, ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талаблари асосида билим олишини таъминлаш ҳамда ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг саломатлиги, хавфсизлигини асосий ўринга қўйган ҳолда муайян ишларни амалга ошириш муҳим.

Аввало, телевизион видеодарслар лойиҳасини ёзги таътилда ҳам давом эттириш, бу ўринда асосий эътиборни фанлар кесимида ўзлаштирилмай қолган мавзуларга эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, 754 та мактабда қардош (тожик, қозоқ, қирғиз, туркман) тилларда таълим олаётган 150 мингга яқин ўқувчи учун масофавий дарс тайёрлаш имконияти чекланганлиги сабабли уларнинг ҳам таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш лозим. Бундан ташқари, олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларига тайёрланаётган ўқувчилар учун ҳам онлайн қўшимча таълим ресурсларини яратиш зарур.

Шунингдек, онлайн мактаб лойиҳаси тажрибаси асосида масофавий ва қўшимча таълимни ташкил этишнинг инфратузилмасини яратиш керак. Ҳозирги кунда амалга оширилган ишларни охирига етказиш мақсадга мувофиқ. Энг муҳими, ўқувчиларимизнинг билим олишга иштиёқини сўндирмаслик учун ўқитувчилар улар билан икки томонлама мулоқот қилишини таъминлашимиз, яъни ҳафтада икки-уч марта видеочат орқали мулоқотини йўлга қўйишимиз даркор. Интернетдан фойдаланиш имконияти бўлмаган жойларда эса телефон орқали алоқа ўрнатиш жуда муҳим. Бу ўқувчиларнинг билим олишга бўлган рағбатини янада оширади ҳамда ота-оналарга ҳам катта ёрдам бўлади.

**— Карантин даврига қадар мамлакатимиз олий таълим тизимида масофавий ўқитиш шакли бўлмагани ҳақида айтдингиз. Келгусида юртимиздаги олий таълим муассасаларида мунтазам масофавий ўқитишни йўлга қўйиш режалаштирилганми?**

— Пандемия сабабли жорий этилган карантиннинг салбий жиҳатлари ҳақида тўхталяпмиз, бироқ ушбу жараёндан унумли фойдаланиб қолиш имкониятлари ҳам мавжуд. Сабаби, барча университетлар масофавий таълимни йўлга қўйиш бўйича муайян даражада тажриба орттирмоқда. Шу билан бирга, ёшларда таълим турларини ўзаро солиштириб кўриш имконияти пайдо бўлмоқда. Албатта, биз карантин даврида масофавий таълим бўйича олинган тажрибадан келгусида ҳам кенг фойдаланамиз. Бунинг ижобий жиҳатларини таҳлил қиламиз.

Карантин давригача масофавий таълим, асосан, юртимиз малака ошириш тизимида қисман қўлланаётган эди. Энди эса айрим мутахассисликлар учун тажриба-синов асосида масофавий таълимни ташкил этиш ва самарадорлигига қараб уни кенг йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Бунинг учун эса мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ҳам шунга мослаштиришимиз лозим. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги қонунда ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда кундузги, сиртқи ҳамда кечки таълим олиш шакллари белгиланган бўлиб, масофавий таълим шакли ушбу қонун ҳужжатида кўзда тутилмаган эди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим соҳасида олиб борилаётган салмоқли ислоҳотлар туфайли “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси тайёрланиб, тегишли манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Ундан масофавий таълим шаклида ўқитиш ҳам ўрин олган. Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб юртимиздаги тўртта олий таълим муассасасида масофавий таълим шаклида ўқитиш жараёнини ташкил этиш режалаштирилган.

Ҳозир мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасалари масофадан туриб дарс жараёнини олиб бормоқда. Битирув-малакавий ишлар ҳимояси, давлат имтиҳонлари, назорат ишлари ҳам масофавий шаклга ўтказилмоқда. Бироқ таҳлиллар айрим профессор-ўқитувчиларнинг тажриба ва кўникмаси, ахборот-коммуникация технологияларини билиш даражаси талабга тўлиқ жавоб бермаётганини кўрсатяпти. Шунингдек, айрим талабаларда ҳам масофавий таълим олиш кўникмаси мавжуд эмас. Албатта, бу борада ҳали кўп ишлар амалга оширилиши шубҳасиз.

**— Юртимизда масофавий таълимни келгусида ҳам мунтазам давом эттириш бўйича хориж тажрибаси ўрганиляптими?**

— Ҳар бир янгиликни амалиётга жорий этишдан аввал илғор хорижий тажрибаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратамиз. Ҳозирги замонавий тенденцияларга кўра, дунё бўйлаб олий таълим олувчилар сони 207 миллиондан ортиқ бўлиб, уларнинг 100 миллиондан зиёди онлайн курслардан фаол фойдаланиш имкониятига эга. Онлайн курсларни танлаган талабгорларнинг 46 фоизи олий таълим муассасасига бориш имконияти йўқлиги, 21 фоизи онлайн курслар уларнинг қизиқишига мослиги, яна 21 фоизи ишхонадаги рағбатлантириш, 8 фоизи таълим муассасасининг нуфузи, қолган 4 фоизи эса бошқа турли сабабларни кўрсатган.

Онлайн курслар провайдерлари орасида юқори ўринларни АҚШнинг Гарвард, Дрексел, Калифорния университетлари, Иллинойс технология институти каби олий таълим муассасалари эгаллаган.

Масофавий таълим анъанавий таълим тизимидек тўғри ишлаши ва кутилган самарани бериши учун, аввало, талабаларнинг дунёқарашини ўзгартириш лозим. Бу ўринда масофавий таълимдаги имтиҳон жараёнининг шаффоф ўтиши, онлайн ўқув курслари, асосан, бошланғич маълумотларни тақдим этишга қаратилгани, аксарияти зарур малака бермаслиги, амалий кўникмаларга эга бўлмасдан туриб, танлаган соҳасининг етук мутахассиси бўлолмаслигини талабалар тушуниб етиши керак.

Қолаверса, масофавий таълим жараёни учун махсус мезон ва меъёрлар ишлаб чиқилиб, курсларга қўйиладиган талаблар тўлиқ ва мукаммал бажарилганда кўзланган натижаларга эришиш имкони ортади. Ҳозир мамлакатимизда масофавий ўқитиш бўйича нуфузли олий таълим муассасалари томонидан тажриба-синовлар ўтказилмоқда. Тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда жараёнларнинг мониторинги олиб борилиптти. Энг муҳими, қайси кўринишда билим берилишидан қатъи назар, сифатли кадрни тайёрлаш асосий мезон бўлиши шарт.

**— Мамлакатимиз олий таълим тизимида масофавий ўқитиш йўлга қўйилса, хорижий олий таълим муассасаларида онлайн ўқиганларнинг дипломини нострификация қилиш мумкин бўладими?**

— Таъкидланганидек, тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинганидан сўнг юртимизда ҳам масофавий таълим беришнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси шакллантирилади. Мамлакатимизда онлайн ўқитиш амалиётга жорий қилингач, чет эл олий таълим муассасалари томонидан берилган масофавий ўқиганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам белгиланган тартибда тан олиниши мумкин.

> **Биз ўқувчиларнинг видеодарслар орқали таълим олаётганини ҳар бир хонадонга кириб назорат қилолмаймиз. Шу нуқтаи назардан, телеканаллар орқали мунтазам бериб борилаётган машғулотлар ўқитувчи-мураббийлар билан бир қаторда ота-оналарга ҳам масъулият юклайди.**

> **Яхши тушунишимиз керакки, дунёда масофавий сифатли билим берадиган олий таълим муассасалари унча кўп эмас. Тингловчининг билим олишга интилиши юқори бўлса, онлайн таълим орқали кучли назарий билимни эгаллаши мумкин. Бироқ кўп йўналиш ва мутахассисликларда амалий кўникмани эгаллаш ҳамда лаборатория, амалиёт базаларида билим олиб, малака ошириш муҳим ҳисобланади.**

Шу ўринда юртдошларимизга мазкур ҳужжатлар тасдиқланиб, аниқ меъёрлари белгиланмасдан туриб, чет эл олий таълим муассасаларининг масофавий ўқитиш хизматидан фойдаланмасликни тавсия қиламиз. Чунки онлайн таълимни барча мутахассисликлар учун ҳам жорий этиб бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам фақат муайян мутахассисликлар учун масофавий таълим йўлга қўйилади. Техника, муҳандислик, тиббиёт каби бевосита амалий кўникма талаб этадиган ҳамда инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган соҳалар мавжуд бўлиб, улар учун масофавий ўқувни жорий этиш имконсиз. Ҳатто дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам бунга йўл қўйилмайди. Бироқ МДҲ таркибидаги давлатларнинг рейтинги ва нуфузи у қадар юқори бўлмаган айрим олий таълим муассасалари кўпроқ маблағ топиш мақсадида талаб юқори бўлган мураккаб мутахассисликлар бўйича ҳам масофавий таълимни йўлга қўйган. Кўпчилик ёшлар шундай ўқув муассасаларининг дипломини олиб келиб, уларни нострификациядан ўтказиш бўйича мурожаат қилмоқда. Бироқ уларни тан олиб, етарли малакага эга бўлмаган мутахассисларнинг ишлашига имкон бериш аянчли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

**— Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида айни пайтдаги масофавий таълимни янада яхшилаш учун қандай қўшимча вазифалар амалга оширилиши лозим?**

— Президентимиз томонидан 30 апрель куни ўтказилган йиғилишда вазиятга қараб, ўқув юкламалари ва дастурларни қайта кўриб чиқиш, олий ўқув юртларида амалий кўникмаларни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш зарурлиги белгиланди.

Бу бежиз эмас. Ҳозир олий таълим тизимида жорий семестрдаги фан дастурлари бўйича 6 минг 102 та фандан онлайн таълим ресурслари яратилиб, ҳар бир олий ўқув муассасасининг масофавий ўқитиш платформаларига жойлаштирилган. Шунга қарамай, тизимда масофавий таълимни ташкил этиш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд ҳамда уларни босқичма-босқич бартараф этиш керак. Масалан, онлайн ўқитиш бўйича ягона талаб ва мезонлар ҳамда улардан фойдаланувчиларни мониторинг қилиш, таълим сифатини баҳолаш механизмларининг ишлаб чиқилмагани, талабаларнинг барчасида ҳам смартфон, компьютер ёки ноутбук йўқлиги, ҳудудларда интернет ишлаши ва тезлигида ҳамда электр энергияси таъминотида муаммолар мавжудлиги, айрим профессор-ўқитувчиларнинг компьютер ёки мобиль телефон орқали масофавий таълим платформасидан фойдаланиш кўникмасига эга эмаслиги каби муаммолар мавжуд. Шунингдек, кўпгина олий ўқув муассасалари ахборот-ресурс маркази фондидаги ўқув адабиётларининг электрон базаси тўлиқ шакллантирилмагани ёки шакллантирилган бўлса-да, талабалар фойдаланиши имконияти чекланганлиги билан боғлиқ масалалар ҳам масофавий таълим ривожига халал беради.

Бу борада, аввало, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари ўқув жараёнида масофавий таълим технологияларидан кенг фойдаланиш чораларини белгилаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга, таълимни бошқариш ҳамда талабалар ўзлаштиришини қайд этишнинг электрон тизимини жорий этиш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация воситалари орқали масофавий таълим платформасидан фойдаланиш кўникмасини ошириш учун махсус курслар ташкил этиш муҳим.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг зерикарли маърузалар ўқиши ва конспектлар ёздириши каби ўзини оқламаган усуллардан воз кечиб, таълим методикасини ривожлантириш ва педагоглар савиясини ошириш ғоят муҳим масалалардандир. Бу борада, албатта, масофавий шаклда педагоглар малакасини ошириш зарурати мавжуд.

**Хайриддинмурод АБУЛФАЙЗОВ
суҳбатлашди.**

**Нарзулла ЖЎРАЕВ,**
сиёсий фанлар доктори,
ЎзДЖТУ профессори

# АХЛОҚ ПАНДЕМИЯСИ



**Айни пайтда бутун Ер шарида қандайдир тушкунлик, руҳий озурдалик ҳукмронлик қилмоқда. Гарчи, кўнглимиз тўқ, эртанги нурафшон кунга ишончимиз қатъий, замонавий фан намояндаларига эътиқодимиз юксак бўлса-да, ҳар бир кунимиз ўзига хос маъюслик, кўнгли ғашлик билан ўтмоқда. Бунинг боиси, албатта, коронавирус пандемияси. Ҳар бир халқ унга қарши ўз характер хусусиятлари, феъл-атвори, турмуш тарзи ва анъаналари асосида курашмоқда. Миллий руҳ, миллий кайфият курашнинг асосий манбаи.**

Улуғ бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний айтганидек, одамларнинг характер хусусиятлари, тили, феъл-атвори у яшаётган макон табиати билан боғлиқ. Цивилизациялар турли ҳудудларда турли шаклда, масалан, Юнонистонда нафосат, Ҳиндистонда дин, Европада моддий техника, Марказий Осиёда — Мовароуннаҳр — Турон — Туркистон — Ўзбекистонда ахлоқ шаклида юзага келган.

Лекин замонавий цивилизация бекаму кўст яшаш, кўнгил тусаганча умргузаронлик қилиш каби салбий ҳодисани турмуш тарзига айлантирди. Натижада ахлоқ кейинги ўринларда қолди. Атоқли давлат ва сиёсат арбоби, йирик сиёсатшунос Генри Киссенжер: “АҚШда одамлар тўқ ва фаровон яшашади. Лекин қалби бўм-бўш. Бефарқ. Шарқда одамлар нималаргадир эҳтиёж сезиб яшайди. Лекин уларнинг кўнгли тўқ, эртанги кунга қатъий ишончи бор. Умиди, мақсади бор. АҚШда оила деган тушунча шунчаки эркак ва аёлнинг умргузаронлиги. Шарқда эса муҳаббат бор, севги бор”, деган эди.

Инсоният тараққиётининг асрлар синовидан ўтган қатъий қонуниятлари ва талаблари бор. **Ҳар қандай тараққиётнинг асоси — ахлоқ. Ҳар қандай таназзулнинг асоси — ахлоқсизлик.** Агар жамиятда одамлар ўз кайфиятига қараб яшайдиган бўлса, парокандалик юзага келади. Ҳар ким кўнгли истаганини қилади. **Ахлоқий меъёрлар, маънавий чегаралар, инсон хатти-ҳаракатини тартибга солиб турадиган талаблар бузилган, унинг ўрнида чексиз эркинлик берилган жойда парокандалик юзага келаверади.**

Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда ахлоқ шаклида юзага келган цивилизацияда эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик, муҳаббат билан нафрат туйғулари аёвсиз курашлар оқимида намоён бўлади.

“Улар мурод-мақсадларига етишди”. Эртагу достонларимизнинг бу тахлит якуни аждодларимизнинг ҳар доим келажакка қатъий ишонч билан, юксак оптимистик руҳ билан қараганидан, уларнинг фикратлари қай даражада покиза, хаёлоти қай даражада гўзал, орзулари қай даражада нурафшон эканидан далолат. **Миллат генофонди ана шу эзгу хаёллар ва покиза фикрат асосида шаклланган. Демак, биз миллат ирсий асосларини бир неча минг йилликлар қаърида кўришимиз мумкин.**

“Сувга тупурма, оловга густоҳлик қилма, ҳашаротларга, қушларга озор берма, гиёҳларни, майсаларни топтама” сингари кундалик маиший ахлоқ меъёрларидан тортиб, инсон ва табиат, одам ва олам ҳақидаги тасаввурлар, оила, оталик, оналик бурчлари, мажбуриятлари, уларнинг ҳуқуқий асосларигача аждодларимиз мероси бўлмиш “Авесто”да илк бор баён этилади. Бу ҳақиқий ахлоққа суянган, меҳр-муҳаббатга таянган, одамларга мурувват, шафқат ва адолат нималигини тушунтириб, исбот қилиб беришдек буюк маънавий-маърифий ҳодиса эди. Халқимиз феъл-атворидаги хайр-эҳсон, ўзаро меҳр-оқибат ана шу даврдан бошлаб шаклланиб, ривожланиб борди.

Ана шу тарзда ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий тараққиёти унинг миллат сифатидаги феноменини шакллантирди. Мурувватлилик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, бир-бирини қадрлаш, кўнгил сўраш фазилатлари умуммиллий фазилатга айланди.

Ҳеч қачон ўзбек халқи, ўзбекман деган инсон маҳалла-кўйда, дўст-биродарлар даврасида, меҳнат жамоасида бир-бирига бефарқ бўлмаган. Жамоавийлик, қувончу ташвишларни, севинчу изтиробларни бирга ўтказиш одатга айланди. Маҳаллада бир тўй бўлса, тўйига келолмаган касалларга, ночорларга, ногиронларга биринчи навбатда тўй таомларидан юборилади, кейин меҳмонларга. Кимнингдир бошига мусибат тушса, бутун маҳалла оёққа туради. Маҳалла тушунчаси ана шу тарзда ўзбек учун қадриятга айланган. Улкан ташкилий-тарбиявий мактаб мақомига эга бўлган.

Эл бошига ташвиш тушган, халқимиз карантин режимини бошдан кечираётган шу диққинафас кунларда, айниқса, маҳалланинг ўрни ва роли яққол сезилмоқда. Айтиш мумкинки, у одамларнинг кундалик кайфиятига, руҳиятига озурда ва бироз оғриқли қалбига мадад бўлмоқда.

Ўзбекистондаги барча маҳаллаларда ана шундай меҳр-мурувват ва саховат кўрсатиш асосий вазифага айланиб қолди. Бу ўзбек халқининг асрлар мобайнида шаклланган миллий характеридан, феъл-атворидан келиб чиққан ҳодиса, ноёб қадрият. Бутун мамлакатимизда кенг қанот ёяётган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ана шу қадриятларимиздан озуқа олмоқда.

**Бу миллат генофонди билан боғлиқ бўлган, унинг феноменини ташкил этадиган улкан қадрият. Ҳозирги жараён давлат билан жамият, Президентимиз билан фуқаро мақсадларининг муштараклигидан, орзуларининг уйғунлигидан, буюк келажакка қатъий ишончнинг барқарорлигидан, қолаверса, жамиятда соғлом ва қудратли маънавий-руҳий вазият ҳукмрон эканидан далолат беради.**

Шоназар деган бир дўстим бўларди (Худо раҳмат қилсин). Тошкентда яшаб, вақти-вақтида она юртига, қишлоғига борганида, уйдагиларни зиёрат қилиб бўлгач, дарҳол ўтган муддат ичида бўлиб ўтган воқеаларни суриштирарди. Бозорга тушиб, ўнлаб тугун тайёрларди, вафот этганларнинг уйларига бирма-бир кириб чиқарди. Тўй қилганларни қутлаб, қувончларига қувонч тилар эди. Бу ўзбекона хайру саховат, бу ўзбекона меҳр-мурувват, бу ўзбекона қадру қиммат рамзи эди. Айтиш мумкинки, бутун Ўзбекистон ва ўзбеклар ана шундай маънавий-ахлоқий қиёфага эга. Бугун коронавирус пандемияси жараёнида бундай миллий ахлоқ, миллий тарбия ўз қудратини кўрсатмоқда. Хорижий кузатувчилар Ўзбекистонга, пандемия жараёнида жуда катта тарбия, одоб ва ахлоқ намунасини кўрсатаётган халқимизга ҳурмат ва ҳавас билан қарашмоқда.

Албатта, иллатларимиз ҳам йўқ эмас. Инсон мутлақ идеал бўлмагани каби жамият ҳам мутлақ идеал бўлолмайди. Халқ деганда унинг бутун фазилатию нуқсонлари билан бирга, яхлит ҳолда тушунамиз. Орамизда карантин режими қоидаларини бузаётганлар, жиноятчилар, порахўрлар бор. Бироқ улар жуда озчиликни ташкил этади. Борлари ҳам пандемия жараёнида ўзларини йиғиб олмоқда, қонидаги миллий ахлоқ, одоб инсоф, диёнат, эзгулик ва мурувват иммунитетлари жонлана бошлади. Пандемия уларни тарияламоқда. Бошқача қилиб айтганда, **коронавирус пандемияси Ўзбекистонда ахлоқий-маънавий пандемияга айланиб бормоқда.**

Шундай қилиб, **юксак ахлоқийлик ва маънавий баркамоллик халқимизнинг сувратию сийратига, зоҳирию ботинига, шаклию мазмунига сингиб кетган.** Бу миллий маърифатдан, юксак маданиятдан, қалб зиёсидан далолат беради. Зотан, жаҳон маданиятининг буюк намояндаси Чингиз Айтматов таъкидлаганидек, **рус маданиятининг тараққиётига Византиянинг таъсири қанчалик катта бўлган бўлса, Марказий Осий халқлари маданиятининг ривожланишига ўзбекларнинг ҳиссаси шунчалик буюк бўлган.** Бу жараён, хусусан, ҳозирги пандемия даврида ўзининг қудратини яна бир бор намоён этмоқда.

Донишмандларнинг хулосаларига кўра, тўрт фасли мукаммал, қуёш нури беғубор, ҳавоси тоза, ери саховатли бўлган маконда туғилган инсон баркамол бўлиб етишар экан. Буни қарангки, худди ана шундай ноёб имконият бизга, ўзбекларга насиб этган. Ўзбекистон ана шундай жаннатмонанд юрт.

Мактабда ўқиб юрган пайтларим ўқитувчиларимиз “Серқуёш Ўзбекистон”, “Қуёшли юрт” деган ибораларни кўп такрорларди. Мен тушунмас эдим. “Оламда қуёш битта бўлса, Ер унинг атрофида айланиб турса, сайёрамизда унинг нури етиб бормаган жой қолмаган бўлса, демак, ҳамма жойда ҳам қуёш бор-да”, деган фикрда юрардим. Ёшим улғайиб, дунё кезганимда тасаввурим бутунлай ўзгарди. Финляндияда қуёш ойга ўхшаб кўринади. Ҳидистонда офтоб улкан ёритгич, иссиқлик бериб турадиган манбага ўхшайди. Ҳаво ифлослигиданми, нурнинг нурлигини пайқаш қийин. Фасл деган нарса йўқ. Минг хил дарахтлар қишин-ёзин кўм-кўк туради, барги тўкилмайди. Одамлар баҳор, куз деганини тушунмайди. Америкада қуёшнинг иссиқлиги ва ёруғи бор холос, нурнинг жозибаси йўқ. Арабларда жазирама, совуткичи йўқ жойда нафас олиш қийин. Ана шуларни ўйлаганда, ўзбек бўлиб, Ўзбекистонда туғилганингдан шукроналар айтасан киши. Тўрт фасли мукаммал, қуёш нури тиниқ, ҳавоси роҳатижон, сувлари жонбахш, тупроғи зар маконни топиш қийин. Қуёши ҳам, Ери ҳам саховатли. Саховатга саховат билан жавоб бериш эса эрнинг ҳам, элнинг ҳам удуми. Коронавирус пандемияси бизнинг ана шу муқаддас фазилатларимизни синовдан ўтказмоқда. Уни енгиш халқимизга хос иродани, қатъиятни, юксак ахлоқ, етук тарбия ва бағрикенгликни тақозо этмоқда. Ўзбек феномени ана шу жараёнда ўзини дунёга кўз-кўз этмоқда.




| Ҳудудлар номи | Касаллик аниқланганлар | Соғайганлар сони ва фоизи | | Вафот этганлар |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 109 | 87 | 80% | |
| Андижон вилояти | 165 | 133 | 81% | |
| Бухоро вилояти | 435 | 372 | 86% | |
| Жиззах вилояти | 3 | 3 | 100% | |
| Қашқадарё вилояти | 6 | 6 | 100% | |
| Навоий вилояти | 2 | 2 | 100% | |
| Наманган вилояти | 234 | 134 | 59% | 4 |
| Самарқанд вилояти | 150 | 37 | 25% | |
| Сирдарё вилояти | 22 | 5 | 23% | |
| Сурхондарё вилояти | 41 | 29 | 71% | |
| Фарғона вилояти | 158 | 131 | 83% | 1 |
| Хоразм вилояти | 233 | 167 | 72% | |
| Тошкент шаҳри | 675 | 468 | 69% | 5 |

Жамоатчилик назорати



# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

## ислоҳотларда жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлайди



**Ботир МАТМУРАТОВ,**
Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси аъзоси, сенатор

**Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони халқни рози қилишга қаратилган ишларни тизимлаштириш ҳамда давлат ва жамоатчиликнинг самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишда улкан қадам бўлди.**

Аҳоли фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориш, улар асосида давлат идоралари олдига аниқ вазифалар қўйиш, шунингдек, давлат органларининг *“очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш”, “жамоатчилик муҳокамаси”, “жамоатчилик эшитуви”, “жамоатчилик мониторинги”, “жамоатчилик экспертизаси”, “жамоатчилик фикрини ўрганиш”* каби таъсирчан назорат шаклларини ҳаётга татбиқ этиш мамлакатимиз ривожи йўлидаги ҳар қандай тўсиқни енгишимизга ва олдимизга қўйган стратегик мақсадларимизга эришишимизга кенг йўл очади.

Шунингдек, янги демократик институтнинг ташкил этилиши демократик ва ижтимоий адолатга садоқатимизни, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги қатъиятимизни яна бир бор намоён қилади. Зеро, Бош қонунимизда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ва жамият ишларини бошқаришда ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали иштирок этиши белгиланган. Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши конституцион норманинг амалиётдаги навбатдаги мустаҳкам ифодаси бўлди.

Жами 50 нафар аъзодан иборат **Жамоатчилик палатаси** ва 21 нафар аъзодан иборат **ҳудудий жамоатчилик палатаси таркиби** миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, илм-фан, маданият, спорт ва иқтисодиётни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, эл-юрт иззат-ҳурматига сазовор бўлган фуқаролар, шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакилларидан бўлиши **“Жамият — ислоҳотлар ташаббускори”** деган янги ғояни амалда рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшади.

**Жамоатчилик палатаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида, биринчидан, Олий Мажлис палаталари** ва маҳаллий **кенгашларда Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик** палаталари томонидан жамоатчилик учун долзарб бўлган масалалар юзасидан ўтказилган ўрганиш ва таҳлил натижалари **ҳар чоракда кўриб чиқилади. Иккинчидан, Жамоатчилик палатаси ҳар йили Ўзбекистон** Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси палаталарига фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида **йиллик маърузаларни** тақдим этади.

Шу билан бирга, **Жамоатчилик палатаси** аъзолари ҳар бир давлат органининг очиқ ҳайъат мажлисида, шунингдек, Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида, “Ҳукумат соати”да, маҳаллий кенгашлар мажлисларида иштирок этишга ҳақли экани катта аҳамият касб этади. Жамоатчилик палаталари давлат органлари ва ташкилотларига қонунлар ва давлат дастурлари ижроси масалалари юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш талаби билан **Жамоатчилик палатаси сўровини юбориш ҳуқуқига эга.**

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Конституциямизга ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта долзарб масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Жамоатчилик палатасига кўриб чиқиш учун юборилади.

**Бугунги демократик ислоҳотлар жараёнида ташкил этиладиган Жамоатчилик палатаси билан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг вазифалари умумий бир мақсадга йўналтирилгани катта аҳамият касб этади.**

Президентимиз **Олий Мажлисга Мурожаатномасида** нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари, ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтиришлари, вазирлик ва идоралар бундай ижтимоий ҳамкорлик ишларини кенгайтиришлари, шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолиятини такомиллаштириш лозимлигини қайд этган эди.

Жорий йилнинг апрель ойида Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг биринчи йиғилишида унинг янги таркиби ва асосий вазифалари белгиланди. Шу билан бирга, йиғилишда **2020 молия йили** учун **давлат субсидияси,** давлат **ижтимоий буюртмалари** ҳамда давлат **грантлари** шаклида маблағларни тақсимлаш масалалари кўриб чиқилди.

> **Демократик институтнинг ташкил этилиши демократик ва ижтимоий адолатга садоқатимизни, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги қатъиятимизни яна бир бор намоён қилади. Зеро, Бош қонунимизда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ва жамият ишларини бошқаришда ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали иштирок этиши белгиланган.**

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун **2020 молия йили**да жамоат фондига давлат бюджетидан **38 миллиард 33 миллион сўм** ажратилди.

Давлат грантлари **Ҳаракатлар стратегияси, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”** давлат дастури ижросида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш, **“Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари”** шиори остида ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳамда **жамият ва оилада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашда** фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш мавзулари қамраб олинган.

Шунингдек, қонун устуворлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашда демократик институтлар фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва **миллатлараро тотувлик ва барқарорликни** таъминлашда ижтимоий шерикликни кучайтириш мавзуларида ҳам давлат грантлари ўтказилади.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига асосан, давлат органи ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов асосида ижтимоий буюртмалар тақдим этилмоқда.

Қайд этиш керакки, давлат **субсидияси** доирасида субсидия олувчи ташкилотлар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигини ошириш, жамиятда ижтимоий шерикликни ва жамоатчилик назоратини янада ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда.

Кўриниб турибдики, давлат томонидан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ислоҳотларда жамоатчиликнинг фаол иштирок этишини таъминлаяпти. Бу эса охир-оқибат давлат ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

**Ўзбек хонадонларида ҳам илгаридан халқ амалий санъати намуналари — палак, сўзана каби ёрқин рангли матолар бекорга қўйилмаган. Улар боланинг тасаввур олами, ранг ажратишига ижобий таъсир этиши билан бирга, катталар кайфиятини кўтаришга ҳам хизмат қилгани шубҳасиз.**



## 9 май — Хотира ва қадрлаш куни

# 1943 ЙИЛ. САРИОСИЁ ВОКЗАЛИ



**Сирожиддин САЙЙИД, Ўзбекистон халқ шоири**

Отам гурунг берган, ўзи кўрган, гувоҳ бўлган уруш йиллари хотираларидан бир мунгли, дардли манзара ҳеч эсимдан чиқмайди. Бу воқеани отам биз уйимизда қотган нонларни молга, кучукка бераётганимизни кўриб, кейин дастурхон атрофида йиғилиб ўтирганимизда гапни узоқдан бошлаб айтиб берган.

— Нонга, насибага ҳеч вақт нописанд бўлманглар, — деганди отам. — Одамзоднинг бошига ҳар бало тушиши мумкин. Уруш экан-да, 1943 йили ярадор бўлиб, госпиталда даволанганимдан сўнг ярам оғир экан, шекилли, уйга бориб келишимга рухсат беришди. Келдим. Йўлхалтамда яримта булка нон билан бир банка дудланган гўшт. "Тушёнка" дейди-ку. Вокзалда жуда ночор аҳволдаги, юпун, муштипар бир аёлга кўзим тушди. Ёнида боласи ҳам бор, сағирадан ҳам баттар — иккови оч-наҳор, зор-зор термилади. Бир менга, бир йўлхалтамга қарайди. Қарайди — қалтирайди, қалтирайди — қарайди. Ўзимни тутолмадим. Яраланган суякларим қайта ўқ егандай, зирқираб кетди. Нон билан тушёнкани бердим. Камбағаллар, бир қақшайди, бир қалтирайди. Нон тишлайди — қалтирайди, қалтирайди — нон тишлайди. Ўзим дарё ёқалаб, тахта кунжара чайнаб кетдим. Йўловчилар берган тахта кунжарани.

1943 йили Сариосиё вокзалида отам иштирокида кечган бу маҳзун манзара, 1972 йил — бундан салкам 50 йил бурун отам бизга ибрат учун нақл қилган бу изтиробли ҳолат оғир ва машаққатли уруш йилларининг жонли, мунгли кино лавҳасидай бизнинг ҳаётимизга бир умрга нақшланиб қолди.

Дийдорлашув ва хўшлашувлар дунёсида отамдан бир эсдалик бўлсин деб, кейинчалик бу лавҳани "Тўполон дарё билан хайрлашув" достонимга киритдим. Менинг кечиккан шеърий тазарруларимни тўғри тушунгайсиз, азиз ўқувчи.

**Тинчликда кун кечирим,
Ҳаётим-чун бежирим,
Ота, мени кечиринг!
Мусаффо осмон учун,
Миллионлаб қурбон учун.
Яшолдимми Эътиқодни
тирикликка кўчириб?
Ота, мени кечиринг!
Кўкрагимга санчилади
аламларнинг ханжари,
Кўряпман: зор кетяпсиз –
қўлингизда кунжара...
Ота, мени кечиринг!
Кечиринг, чун умрингизнинг
бори дарду ғам бўлди,
Нега бугун нон кўп,
бироқ меҳру хотир кам бўлди?
Ному мансаб, шону шуҳрат
жангларида қурбонлар
Бериб, нечун инсонлигин
йўқотар бу инсонлар?
Саҳро бўлиб ўтганларнинг
ёди мени ўртайди,
Дарё бўлиб ўтганларнинг
ёди мени ўртайди.
Шунинг учун кўз олдимда
тўлиб-тошиб ҳозир ҳам
Ўтаверар Тўполондарё –
Ҳеч туғанмас Хотира.**

# ЎЗБЕК КАПИТАНИ ВА ҚОВУН ҚОҚИ

### *(РУС ЁЗУВЧИСИ ВАСИЛИЙ ПЕСКОВ ЭСДАЛИКЛАРИДАН)*

**У даҳшатли йилларда мен олти-етти яшар бола эдим. Бироқ уруш шундоққина уйимизнинг остонасида турар, унинг оғир-оғир нафас олишларию, ўқ-дори ҳиди аралаш аччиқ ва тахир ҳавосини мен яхши эслайман.**

Эҳтиёт шарт, бизнинг мўъжазгина қишлоғимиз одамларини ҳам етти-саккиз чақиримча олисроқдаги бошқа қишлоққа кўчиришди...

Уч ойлардан кейин, қиш бошланган паллада ичим қизиб, уйимизни соғина бошладим. Бу соғинч мени ҳол-жонимга қўймай, охири бир кун ўтин келтириш баҳонасида ҳеч кимга айтмай, ўғринча қишлоғимизга келдим. Қишлоқдаги ҳаддан ташқари жимлик қўрқинчли туюлар, кўча-муюлишлар қазиб ташланган, уйлар, деворлардаги ўқ отишга мўлжалланган қатор шинак-дарчалар урушнинг кўз косалари мисол ваҳимали ва қорайиб кўринади.

У ёқ-бу ёққа аланглаб, довдираб, аста уйимиз томон юраман ҳам девдимки, муюлишдаги уйдан ҳарбий киши чиқиб, ёнига чақирди. Ўрта ёшлардаги капитан, ўзбек киши русчалаб, қаёққа кетаётганим, нима қилиб юрганимни сўраб билгач, бироз ўйланиб тургандан сўнг, "бу ёққа юр", дея уйга бошлади. Печка ёнида ўтирган бошқа бир аскарга энди ўз тилида бир нима дегач, униси менинг олдимга бир каталак шўрва билан катта-катта қилиб кесилган икки бўлак нон қўйди.

Мен иштаҳа билан шўрвани тушираркanman, капитан ўйчан қиёфада менга разм солиб, униқиб кетган телпагим, илма-тешик қўлқопларимни қўлига олиб, аста кўра бошлади. Кейин токчада турган ҳарбий йўлхалтасини олди-да, оғзини очиб, унинг ичидан қоғозга ўралган сарғиш-юмшоқ бир нарсани олиб менга узатди: "Ол, егин. Сенга ёқади бу". Ўзбек капитани мени меҳр билан сийлаган у антиқа, тансиқ ва лаззатли неъмат қуритилган қовун — қовун қоқи экан. Капитаннинг оталарча мушфиқ ва меҳрибон қиёфасию, қовун қоқининг таъми билан мазаси кейин бир умр менинг ёдимдан ҳам, оғзимдан ҳам кетмай, инсон меҳрининг нақадар азиз ва мўътабар эканлигини ҳар доим менга эслатиб туради.

Уруш тугагандан йигирма икки йилдан кейин Самарқанднинг кўркам ва фаровон бозорида умримда иккинчи маротаба қовун қоқини тотиб кўрарканман, мен, албатта, ўша ўзбек капитанининг раҳмдил, ўйчан кўзларию қадрдон қиёфасини соғинч ва миннатдорлик билан яна бир бор кўз олдимга келтирдим.

Капитан ўшанда, қаҳратон қишнинг изғирин палласида мен – совуқда дийдираб юрган мурғаккина ёш боланинг қорнини тўйғазиб жўнатаркан, кузатаётган пайти бундай деганди: "Бу ерларда юриш ҳозирча ман қилинади. Қайтиб боргин. Ҳадемай ҳаммамиз уйимизга қайтарканмиз, дея онангга бемалол айтаверсанг бўлади!"

Энди ўйлаб кўрсам, капитаннинг мени ишонч билан кузатиб қўйганининг тагида гап бор экан. Сталинградда, Воронежда немислар "онасини кўраётганидан" капитан хабардор эканки, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмай, бизга қишлоғимизга қайтишга рухсат бўлди. Сана 1943 йилнинг 23 январь куни эди, урушнинг ярми ҳам ўтиб бўлмаган эди ҳали.

# ЙЎҚОТИШНИНГ БАҲОСИ

## ЁХУД ЧЕККА ЭЛАТГА КУЛФАТ КЕЛТИРГАН УРУШ



**Юрт тинч, ҳаёт фаровон бўлса, аҳоли сони табиий равишда ўсиб бораверади. Истиқлолдан кейинги дориламон замонларда юртимиз аҳолиси сони ўн миллион нафардан ошгани бунга мисол.**

Рўзимбой ҲАСАН,
журналист

Яқинда Жамила момони ерга қўйдик. Уни 95 ёш деб кўтаришди.

Жамила момо мен туғилиб ўсган ва яшаётган кўп қадим Месит элатининг энг ёши улуғи ва яна шу кичкина элатдан Иккинчи жаҳон урушига кетиб, омон қайтган йигитлардан бири – Машариф Ғойибовнинг беваси эди. Машариф бобо ўн беш йиллар олдин бу ёруғ дунёни тарк этганди. Не бахтки, издиҳомдан омон чиққан жангчи тақдирига саккиз фарзанд кўриш ёзилган экан.

Элат кексаларидан бири, ҳозирда раҳматли Абдулла буванинг хотирлашича, урушгача бўлган даврда Тошсоқа каналидан сув оладиган Хитой (яна бир номи Месит) ариғи бўйида қирққа яқин хонадон яшаган. Ариқ бўйлаб тўрт чақиримча чўзилган яккам-дуккам хонадонлар 1936 йилда жамоа хўжалигига бирлаштирилган. Бу вилоятда тузилган энг сўнгги жамоа хўжалиги бўлган.

Абдулла буванинг яна хотирлашича, Иккинчи жаҳон урушига элатдан ўттиз икки йигит отланган. Улардан йигирма бир нафарига юртга омон қайтиш насиб қилмаган.

Эгамберди Эшниёзов илк тузилган жамоа хўжалигига раис қилиб сайланганида 20 ёшда бўлган. Уйланган, икки норасида ўғли бўлган Эгамберди ака 1942 йилда урушга чақирилади. Вазият шу даражада бўлганки, жамоа хўжалиги раиси билан бир вақтда бригада бошлиқлари, бош ҳисобчи, омборчи, ҳосилот ҳам урушга кетади. Шулар қаторида қишлоқда биринчилардан бўлиб трактор бошқарган отам ҳам бўлган.

Э.Эшниёзов қисқа муддатли зобитлар тайёрлаш курсини битказиб, жангга катта лейтенант унвонида киради ва кўп ўтмай, у жанг қилаётган дивизия қамалда қолиб, бутун таркиб асирга тушади. Э.Эшниёзовни асирликда фашистлар отиб ташлаган, дейишади.

Амакимиз Рўзмат буванинг беш ўғли бўлган. Илк сафарбарликда катта ўғли Ражаббой амакимиз рўйхатга тушади. Бу амакимиз гарчи шу вақтда ўн саккизга тўлган эса-да, сал нимжонроқ, ундан кичиги Каримбой энди ўн олтидан ўтган-у, гавдали, бақувват йигит бўлган. Акам жангда қийналмасин деб, Каримбой "Мен Ражаббой Рўзметовман!" деб акаси ўрнига урушга кетган. Ҳали паспорт жорий қилинмаган даврларда шундай воқеалар одатий ҳол эди.

Бир йилдан сўнг Ражаббой амакимиз ҳам урушга жўнайди. У энди ҳужжатларда "Каримбой Рўзметов", деб қайд қилинади.

Беомон уруш издиҳоми Каримбойни ўз домига тортиб кетган. Ундан қора хат ҳам келмаган. Ражаббой амакимиз урушдан оғир жароҳат олиб қайтган ва бир йилдан сўнг шу жароҳатидан бевақт ҳаётдан кўз юмган.

Икки ўғлини уруш ютиб юборган Розия момо 1980 йилда дунёдан ўтди.

Эсимда, 1977 йил ёзида ҳарбий хизматдан қайтганимда, отам элга садақа қилиб берганди. Тенгқурларим билан суҳбатлашиб ўтирганимда кимдир Розия momoмиз чақираётганини айтиб қолди. Аёллар ўтирган уйга кирдим. Букчайиб, муштдек бўлиб қолган момо мени қучоқлаб, бўйнимга осилиб, роса айтим айтиб йиғлаганди...

Ўшанда момо менинг ҳарбийдан қайтганимга қувониб йиғлаган, деб ўйлаганман. Кейин англадимки, қирчиллама ёшида уруш маҳв этган алпқомат ўғилларини эслаб йиғлаган экан.

...Абдулла бува эсларди: "Опамнинг эрини Раҳмон ака деб атардим. Бир уйда яшаганимиз учун акамдек қадрдон бўлиб қолганди. Раҳмон акам урушдан жароҳат билан қайтди. Ёлғиз ўғли Саъдулла бу пайтда етти яшар бўлиб қолганди. Раҳмон акам камгап эди, кун бўйи қуёш кўзида ўтиргани-ўтирган эди. Энди билсам, жангда осколка ўпкасини илма-тешик қилиб юборган. Шу дарддан бир йилдан кейин ҳали ўттизга тўлмай вафот этди".

Элатимизда бийлар, шоғоллар, тумшуқлар, ҳаволлар, оққошлар, мўтайлар, махсумлар, қуллар ва юксаклар лақабли инсонлар яшайди. Ва яна уруш давригача элатимизда қароқлар деганлари ҳам бўлган. Улар ҳақда гап кетса, "Қирқ нафари бир қозондан овқатланишарди. Жуда оғзибир қавм эди", дейишади. 1943 йилда тарқалган ўлат элатдан кўпгина одамларни олиб кетган. Ўшанда қароқлардан ҳеч ким қолмаган.

Отам Иккинчи жаҳон урушини Берлинда ниҳоялаб, 1946 йили қишлоққа қайтади. Уйланиб, ўн икки нафар фарзанд кўради.

Ён қўшнимиз Йўлдош бува (урушда бир қўлидан айрилгани учун лақаби "чўлоқ" эди) урушдан қайтгач, уйланиб, олти нафар фарзандли бўлган. Яна бир узоқроқ қўшнимиз Мадрим бува эса 7 нафар фарзандни тарбиялади.

Рўйхатни давом қилдириш мумкин. Нега?

Шу кичкинагина элатдан урушга олинган ўттиз икки йигитдан фақат икки нафари оила қуришга улгурган ва уларнинг беш нафар фарзанди бўлган. Омон қайтиб келган ўн нафар йигитдан эса етмишдан ортиқ зурриёд дунёга келган.

...Туман газетасида ишлаб юрган кезларимда ҳарбий архивлардан олинган маълумотлар асосида урушда ҳалок бўлганларнинг тўлиқ рўйхатини чиқарганман.

Бир куни амакимиз Мадрим ака "Сени онам кўрмоқчилар", деб қолди. Вақт топиб, Ойсанам момони кўргани бордим ва қизиқ бир ҳолатга тушиб қолдим. Ойсанам момо мени кўрибоқ, қучоғига босганча, йиғлашга тушди. Бу "мусибат" нималиги кейинча маълум бўлдики, биз чоп қилган газетада Ойсанам момонинг урушга кетиб, қайтиб келмаган акаси Қўчқор кулол ҳақида бир сатргина ёзилган экан. "Акамнинг исмини кўриб, гўё ўзини кўргандай бўлдим", деб йиғларди момо.

Элатимизда ҳозир юзга яқин хонадон бор. Хонадонлардаги аҳоли сони уч юз эллик нафардан ошган. Улар бундан саксон йиллар муқаддам урушга кетган ва омон қайтиб келган ўша ўн нафар собиқ жангчининг авлодлари. (Уруш даврида ишчи батальонида қатнашган етти кишини ҳам шу қаторга қўшамиз).

Энди ҳисобланг: ўн етти нафар йигитдан ўтган етмиш беш йилда дунёга келган авлодлари сони уч юз эллик нафардан ошибди. Шу ўринда жангоҳларда қолган йигирма бир нафар йигитни ўйланг. Улар урушдан омон қайтганларида... йўқ, лаънати шу уруш бўлмаганда, бу йигитлар оила қуриб, ўзларидан кўпайиб, умри узоқ бўлганлари ҳали ҳамон орамизда бўлар, умри поёнига етганлари ҳақ дунёга кетган, аммо улардан қанчалаб зурриёдлар қолган бўларди. Оддийгина қилиб, юқоридаги табиий кўпайишга taққослаб, уларнинг авлодлари сони камида тўрт юз нафардан ошарди, дейлик.

Энди уруш даврида фронт ортида рўй берган очарчилик, қаҳатчилик ва ўлат балосидан умри бевақт завол топган биродарларимизни ҳам эслайлик. (Қирқ кишилик қароқлар хонадони қирилиб кетганини эсланг). Улардан ҳам шу қадар авлодлар дунёга келарди, ахир! Демак, уруш бўлмаганида, ҳаёт тинчгина ўз оқимида оққанида, ер юзига фашизм балоси чиқмаганида... бугун элатимизда уч юздан ортиқ хонадон ва камида минг нафардан зиёд инсон истиқомат қилаётган бўларди...

Демак, Ўзбекистон аҳолиси камида юз миллионга етарди!

Мана, ҳудуд талашиб, сиёсий ўйинлар қилмоқнинг аянчли оқибати!

Мана, уруш аталмиш балонинг қиёфаси!

Бу уруш миллионлаб қалбларга етказган маънавий зарарлар – олисларда қолган урушнинг жароҳатлари ҳалиям сим-сим оғритади юракларимизни.

Моддий зарарлар ҳақида гапириш ортиқча.

Юқорида афсус билан ёзганларимиз... йўқотилган учдан икки авлодни моддий зарарга қўша олмаймиз.

Аянчли ҳисоб-китобга шу ерда нуқта қўямиз...

Шу тинч кунларимизга шукрона айтмоқ, урушни лаънатламоқ ҳар бир дуомизда айтилмиш амалимиз бўлсин!

## Дилдаги гаплар



**Ортиқали ҚОЗОҚОВ,**
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти

# Санъатни севиш оламни ва одамни асрайди

**Тасвирий санъат пайдо бўлганидан буён инсоннинг руҳий оламига таъсир этиб, уни комилликка етаклаб келмоқда. Кишилик жамиятида мислсиз ижобий роли мавжуд бўлгани учун ҳозирги кунгача санъатнинг бу тури ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб, кўнглимизни, қалбимизни ўзига жалб этаётир.**

Санъат асарларини томоша қилар эканмиз, рассом ғоялари ранглар орқали бетакрор шаклда берилишининг инсон руҳиятига ижобий таъсир қилишига шоҳид бўламиз. Бутун борлиқни ранглар орқали кўришни тасвирий санъат туфайли ўрганамиз. Тасвирий санъат томошабиннинг кайфиятини кўтаради, ҳаётга муҳаббатини оширади. Нафислик, бадиий ечим инсон дидини тарбиялайди. Шууримизда ички маданиятни ўстириб, дидимизни чархлаб, юксаклик сари элтади.

Тасвирлардаги тимсоллар, рамзлар, ишоралар, тилсимлар томошабинни сеҳрлайди. Ҳар бир асар замирида хаёлга келмаган, аммо инсонни ўйлашга мажбур қиладиган сиру синоатга дуч келасиз. Тасвирий санъат асарларини томоша қиларкансиз, янгидан-янги таассуротлар оласиз, хаёлингиз бу суратларнинг фусункор чизиқлари, ранглари бирла кўз илғамас юксакликларга парвоз қилади.

Гоҳида ўйлаб қоламан: ижодкор қай лаҳзада ўзининг энг яхши асарларини яратади? Ҳазрат Навоий айтганидек, "Эл нетиб топгай меники, мен ўзимни топмасам". Кўриниб турибдики, ўзлигини намоён қилган ижодкоргагина сеҳрли илҳом дунёсида қолиш насиб этади.

Ижодкор ўз йўлимни топдим, деб тўхтаб қолмаслиги керак. Агар ўзи яратган асарлардан кўнгли тўлиб, маҳлиё бўлиб қолса, ўсишдан тўхтайди. Халқ назаридан қолишни истамаган ижодкор мудом изланишда бўлади.

Мен ҳам доимий изланишдаман. Асарларимни кузатган одамлар турли маъноларни уққандек бўладилар. Баъзан уларнинг мушоҳадаларига ўзим ҳам ҳайрон қоламан. Менинг хаёлимга келмаган фикрларни билдириб, асарларимнинг янги қирраларини очадилар. Мен асарларимда табиат ва инсон ўртасида қандайдир боғлиқлик борлигини тасвирлашга ҳаракат қиламан.

Бугунги уйда қолаётган кунларимизда, ҳаёт ҳақида ўйлар экан-ман, аввало, ўзимнинг очилмаган кўнгил кечинмаларимни чизгилар орқали ифодалашга ҳаракат қиламан. Расм чизишнинг инсон учун фойдали жиҳатлари жуда кўп. Биринчидан, инсон ўзининг руҳиятини тозалайди, иккинчидан, касалликни енгиб ўтишда ўзида иммунитет шакллантиради. Ҳаётга бўлган севгиси, меҳри ошади. Ўзи чизган гўзалликдан баҳра олиш эса умрни узайтиради.

Шунинг учун бўлса керак, Японияда меҳнат таътилидаги қариялар касбидан қатъи назар, катта саройларда акварель бўёғида расм чизишни одат қилган.

Ўзбек хонадонларида ҳам илгаридан халқ амалий санъати намуналари — палак, сўзана каби ёрқин рангли матолар бекорга қўйилмаган. Улар боланинг тасаввур олами, ранг ажратишига ижобий таъсир этиши билан бирга, катталар кайфиятини кўтаришга ҳам хизмат қилгани шубҳасиз. Айниқса, оқ ранг — беғуборлик, поклик, яшил ранг — яшариш, орзу-умид, сариқ ранг — бойлик, юксаклик, қизил ранг — шижоат, меҳр тимсолида ўзига хос маънавий кучга эгадир.

Раҳим Аҳмедовнинг "Она ўйлари", Ўрол Тансиқбоевнинг "Ўзбекистонда март" асарларидаги ранглар гармонияларини ҳис этиш тасаввуримизни бойитиб, ҳиссиётимизни оширади, руҳий завқ оламиз. Яшаб турган уйимиз деворларига турли картиналар осилган. Баъзан уларни кўргазма учун олиб кетаман. Ана шунда бўш қолган девор худди мунғайиб қолгандек туюлади.

Расмлар яна қайта осилгандан кейин эса уйга илиқлик қайтгандек бўлганини ҳатто набираларим ҳам таъкидлашади. Санъат асари ўзидан зарур биоэнергия таратиб туришини ҳис этасан беихтиёр.

Рангтасвир асарлари инсонни маънавий юксакликка элтувчи катта кучдир. Уйда — карантин кунларида ҳаммамиз расм чизамиз. Оилавий танлов ўтказамиз. Набираларим чизган расмларни сотиб олиб, уларни олқишлайман. Одатда расм чизиш боланинг эътиқоди мустаҳкам, изланувчан, ҳаётни севувчан бўлиб тарбияланишида муҳим роль ўйнайди. Бу борада уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун юртимизда беш ташаббуснинг амалга оширилиши ҳам бежиз эмас.

Менинг барча асарларим Ватанимиз — Ўзбекистон ҳақидаги қўшиқларим. Бу қўшиқларни яратиш учун асло тиним билмайман. Тин олиш, мақсадга етдим, дейиш ижод аҳлининг иштиёқини сўндириб қўяди. Сусайган иштиёқ билан яхши асар ярата олмайсиз.

Яратганингиз билан кимга манзур эта оласиз уни?! Шу сабаб инсон меҳнатни ўзига шиор қилиб олиши керак, деб ўйлайман. Ижодкор ўз устида ишламаса, бор талантини йўқотиб қўяди. Ижоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнатда, дейишади-ку... Ватан ҳақидаги энг яхши қўшиғимни яратишим керак... Энг яхши қўшиқ эса кўнглимда.

Шундай экан, жаннатмакон юртимиз манзараларини севиш, қадриятларимизни улуғлаш санъатни севишга, санъатни севиш эса кишини оламни, одамни асрашга ундайди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1240.
42514 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 21:45 Топширилди — 00:20 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй